

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тарих кафедраси

Қодирова Камоланинг

5141500- миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ
таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун
**“Умуминсоний кадриятларнинг ёшлар маънавий
ривожланишига таъсири масалалари”** мавзусидаги
битирув малакавий иши

Раҳбар: Фалсафа фанлари номзоди,
доц. Темирова Н.Э

Гулистон - 2014

М У Н Д А Р И Ж А

	КИРИШ _____	3-10
I– БОБ.	МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР - ЁШЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ	
1.1.	Талаба ёшлар маънавияти ва миллий қадриятлар	11-21
1.2.	Умуминсоний қадриятларнинг талаба ёшлар маънавий маданиятини шакллантиришга таъсири	22-36
II– БОБ	ТАЛАБА ЁШЛАРДА ҲАЁТИЙ МАҚСАДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	
2.1.	Миллий қадриятларнинг талаба ёшлар ҳаётий мақсадини шакллантиришдаги роли	37-50
2.2.	Талаба ёшлар маънавиятида ҳаётий мақсад ва умуминсоний қадриятларнинг диалектик таъсири	50-61
	ХУЛОСА _____	62-68
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати _____	69-76

Мавзунинг долзарблиги Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлардан кўзланаётган мақсад «бу эл-юртимизнинг эртанги куни, равнақи ва тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳондаги ўрни ва нуфузини белгилаб берадиган том маънодаги ислохотларни амалга оширишдан иборат»¹. Ушбу фикрини давом эттириб, Республикамиз Президенти И.А.Каримов: «ҳеч кимдан кам бўлмаган, бамисоли эркин қуш каби парвозга шай бўлиб турган, билаги кучга тўлиб, салоҳияти юксалиб бораётган, умид ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз бўлган навқирон авлодимизнинг майдонга чиқаётгани мана шу сиёсатнинг дастлабки нишонасидир»², – дея таъкидлайди. Зеро, жамиятнинг бир тараққиёт босқичидан ва муайян кадриятлар тизимидан иккинчи тараққиёт босқичи ва янги кадриятлар тизимига ўтиши, прогрессив ғояларнинг кишилар онги ва тафаккуридан жой олиши, ислохотларнинг позитив ўзгаришларга, цивилизация талабларига мос ижтимоий ҳодисаларга айланиши замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали кадрлар етиштиришга боғлиқдир. Чунки, тафаккури ҳар хил «изм»лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний кадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга, эл-юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшишга қодирдир.

Талаба ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоларини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этишнинг долзарблиги қуйидагилар билан белгиланади:

Биринчидан, жамиятимизнинг келгуси тараққиёти, Ватанимиз истиқлолининг тақдири, халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшадиган ҳиссаси бугун ўқув юртларида таълим олаётган талаба ёшларнинг

маънавиятига, эгаллаган касб-кори, интеллектуал билими ва келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олишига боғлиқ.

Иккинчидан, талаба ёшлар ўзининг ҳаёти ва мақсади, ўтмишга ва келажакка муносабати, маданий бойликлар ва меросни ўзлаштириши,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўз. // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-ж. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – Б.6..

² Ўша жойда. -Б.7.

ижтимоий тараққиёт қонунларини идрок этиши, ички маънавий-руҳий дунёси билан ёшларнинг бошқа гуруҳларидан фарқ қилади. Уларда ижтимоий фаолликка, эл-юрт манфаатларига хизмат қилишга интилиш, билимга, маърифатга, тараққий этган халқлар маданиятига қизиқиш юқори бўлади. Аммо ушбу интилиш ва қизиқиш айрим талаба ёшларда ижобий, конструктив даражага кўтарилмай қолмоқда. Шу боис талабаларда мустақил фаолиятнинг турли самарали усулларини яратиш лозим.

Учинчидан, жамият ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар, мамлакатимизга нисбатан кучаётган информацион хуружлар талаба ёшлардан ўқиши, ўз касби, ён-атрофга ўта масъулият билан ёндашишни, ҳаётий мақсадини тўғри танлашни талаб этмоқда. Зеро, касб-кор маҳорати қанчалик муҳим бўлса, бўлғуси малакали мутахассис, юксак инсоний фазилатлар ва маънавият ҳам шунчалик зарурдир. Маънавияти юксак мутахассисгина хушёр ва огоҳ бўлиши, кишиларни эзгу ғоялар асосида ўз атрофига бирлаштириши, уларни давр талаблари кун тартибига қўяётган вазифаларни бажаришга йўналтириши мумкин. Модомики шундай экан, бугунги кунда баркамол инсон тарбияси алоҳида эътибор талаб қилади.

Тўртинчидан, кейинги йилларда нашр қилинган илмий адабиётларда маънавиятнинг умумий назарий ва ижтимоий-педагогик муаммолари муҳокама қилинмоқда. Шу боис ёшлар маданиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили масаласи янада долзарб аҳамиятга эга.

Бешинчидан, маънавият тизимида миллий ва умуминсоний қадриятлар муҳим ўрин эгаллайди. Улар ўзининг ички хусусиятларига, ўзаро диалектик алоқадорликка, уларни чуқур англамаслик, идрок этмаслик кишилар маънавий-руҳий оламини жўн тушунишга, унинг ранг-баранглигини сийқалаштиришга, ижтимоий-педагогик имкониятлардан самарали фойдаланмасликка олиб келади. Айрим талаба ёшларда учраётган бефарқлик, ижтимоий бурчни англамаслик, кексалар панд-насихатини менсимаслик, нигилизм, фақат кайф-сафо қилиб яшашга интилиш каби

салбий иллатлар ана шу ёндашувлар натижасидир. Демак, бугунги кунда мамлакатимизда нафақат иқтисодий, балки маънавий-маърифий ислохотларнинг самарадорлигини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар масаласи қадимдан файласуфларнинг эътиборини жалб қилиб келмоқда. Қадимги Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон, Марказий Осиё мутафаккирлари қадриятларнинг ёшлар маънавий маданиятига таъсирини алоҳида ўрганганлар.

Хориж тадқиқотчилари ёшлар муаммоларига Ш.Бюлер, Э.Шпрангер, Т.Циен кабилар ўз асарларида таҳлил қилган. Жумладан. Ш.Бюлер ёшларнинг кундалик дафтарларини таҳлил қилиб, уларнинг шахс сифатида ва психофизиологик етишиш жараёнларини таҳлил қилган. У ёшлик даврини 21-24 ёшлар билан белгилайди. Ушбу даврда, Ш.Бюлер фикрига кўра, «шахснинг характери ва қизиқиши кескин кўринишда бўлади, интеллект ўзининг ҳақиқий чўққисига чиқади, ирода ҳақиқий кучга тўлади. Шу даврда эҳтирослар, мақсадлар, идеаллар, шахс шаклланади»¹.

Файласуф, психолог ва педагог Э.Шпрангер «ёшлик даври рухий тузилишининг тўла тасвирини»¹ яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. У Ж.Ж.Руссонинг «ёшлик шахснинг иккинчи туғилиш даври» деган фикрига таянади ва бу даврда шахс ўзининг «мен»ини топишга, ҳаётий режалар тузишга, ҳаётга, сиёсатга, динга, ахлоққа, жинсий муносабатларга фаол муносабатда бўлади, деб кўрсатади.

Ф.Ницше ва В.Дильтейнинг айрим ғояларини ёшлар ҳақидаги карашларга тадбиқ этиб, Э.Шпрангер ёзади: «Пастда эмас, балки юқори поғонада бўлиш, ироданинг ҳокимиятга, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши биринчи навбатдаги, асосий кўрсаткичдир, демак, ҳаётий режалар тузишга ҳаракатлантирувчи турткидир, кучдир». Э.Шпрангернинг ёшлар юқори сиёсий вазифалардан, сиёсий ташкилотларда иштирок қилишдан узокроқ бўлиши зарур, деб билган.

¹ Bühler Ch. Das Seelenleben des Jugendlichen. –Jena, 1997. – S.18.

АҚШда С.Холл, Д.Кемпбелл, Д.Аусубел каби тадқиқотчилар ёшлар муаммоларини ўрганишда муҳим ютуқларни қўлга киритдилар. Масалан, С.Холл ёшликни «шахсининг иккинчи туғилиши» даври деб атайтиди. Унинг «ёшлик бўронлар ва тўқнашувлар даври» ибораси илмий адабиётларга ёшлар психологиясини тўла очиб берувчи таъриф сифатида кирган.

Д.Аусубел ёшларга хос психобиологик ва маданий-маънавий ўзгаришлар жараёнларини тадқиқ этган. У ёшларга ўзига хос бўлган қадриятларни яратиш хослигини қайд этади. Бу қадриятлар ёшларнинг ўзига, ён-атрофга, оиласига, тенгқурларига муносабатларида акс этади.

Мустақилликка эришгандан сўнг республикамиз олимлари - Ж. Туленов¹, Э. Юсупов², Х. Шайхова³, Д.Ҳабибуллаева⁴, Қ. Назаров⁵ ва бошқалар аксиологиянинг у ёки бу соҳаларини тадқиқ этдилар. Ж.Туленов, Э.Юсупов асарларида ўтмиш аجدодларимиз маънавий меросига таянган ҳолда қадриятларнинг миллий жиҳатларига кўпроқ эътибор берилган.

Уларда аксиологиянинг вужудга келиши, ривожланиш босқичлари, шарқона илдизлари, ўзига хос тамойиллари, қадрлаш ва қадрсизланиш муаммолари, қадриятларнинг миллий ва умуминсоний жиҳатлари тадқиқ қилинган.

Ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантиришнинг айрим масалаларини О.Тоҳиров⁶, ёшларни миллий мерос руҳида тарбиялаш масалаларининг ижтимоий-фалсафий жиҳатларини Х.Шайхова, Э.Юнусова⁷, Х.Аҳмедова⁸, Ф. Йўлдошев⁹, С.Отамуродов¹⁰, З.Қодировалар¹¹

¹ Туленов Ж. Истиклол ва тараққиёт мафқураси: мақсад ва йўналишлари. - Т.:Ўзбекистон, 1993.-Б.96.

² Юсупов Э. Инсон камолининг маънавий асослари. - Т.: Университет, 1998. -Б. 72

³ Шайхова Х. Инсон ва унинг маънавий дунёси. -Т.: Ўзбекистон зиёлилари илмий-маърифий уюшмаси. 1993.-Б.9.

⁴ Ҳабибуллаева Д. Ўзбекистонда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг тикланиши. Тар.фан.номз.дисс. – Т.:1995.-Б. 135.

⁵ Назаров. Қ. Аксиология. (Қадриятлар фалсафаси.) - Т.:ЎЗМУ, 2005. -Б.62.; Ўзбекистон жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш йўлида. –Т.:Академия, 2005. -Б. 589-598.

⁶ Тоҳиров О. Комиллик-етуклик тимсоли. // Мулоқот, 1999, 3-сон.-Б.39-41б.

⁷ Юнусова Э. Ёшларнинг маънавий камолоти. -Т.:Ўзбекистон, 1995. -Б.82.

⁸ Аҳмедова Х. Демократик жамиятда мафқура ва ёшлар муаммоси. // Ижтимоий фикр, 2000, 1-2 сон. –Б.150-154 .

⁹ Йўлдошев Ф., Ҳайдаров О. Маънавий мерос ва ёшлар тарбияси. // Гулистон, 1999, 5-сон.-Б.5-6

¹⁰ Отамуродов С. Талаба ёшларининг миллий ўзлиқни англаши. // Ижтимоий фикр. 2000, 1-2 сон.-Б.150-154.

тадқиқотганлар. Бироқ шу давргача, талаба ёшларнинг маънавиятини шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси ижтимоий-фалсафий тадқиқот объекти бўлмаган. Шу боис биз ўз БМИ да ушбу масаланинг баъзи жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилдик.

Мавзунинг долзарблиги талаба ёшлар маънавий шаклланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар қандай ёш авлод улар таъсирида шаклланади, улғаяди, вояга етади, маънавий қиёфада мазкур қадриятларга хос хусусиятларни акс эттиради.

Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари томонидан асослаб берилган миллий ва умуминсоний ғоялар барча ёшлар, жумладан талабалар учун ҳам ҳаёт ва фаолият мезони, улар умрининг мазмунини белгилайдиган юксак маънавий омилдир.

Талаба ёшларнинг бугунги жамиятдаги ўрнини белгилаши, ўз ҳаётий мақсад ва идеалларини аниқлашида миллий ва умуминсоний қадриятлар мезони муҳим аҳамият касб этади. Бу борада уларнинг ҳаётий мақсад ва идеалларини тўғри белгилаб олишга ёрдам бериш, бу жараённи илмий ва режали ташкил этишга алоҳида эътибор бериш лозим.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикасининг ёшлар, хусусан талабалар маънавиятига таъсирини ўрганишни давом эттириш, буни муттасил ва узлуксиз жараёнга айлантириш зарурати мавжуддир. Ушбу йўналишда янги-янги тадқиқотлар олиб бориш, амалий ишлар самарасини оширишга ёрдам берадиган усул ва воситаларни излаб топишга янада кўпроқ аҳамиятни қаратиш зарур.

Ишнинг мақсади ва вазифалари талаба ёшларнинг маънавий шаклланишига миллий ва умуминсоний қадриятларнинг диалектик таъсирини ижтимоий-фалсафий тадқиқ этиш, ушбу жараённинг ижтимоий

¹¹Кадырова З. Проблемы повышения социальной активности молодежи Узбекистана в условиях всестороннего реформирования общества. – Т.:1999. -С.36.

самарадорлигини ошириш йўллари ва имкониятларини аниқлаш БМИ нинг бош мақсадидир.

Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифалар белгиланди:

- миллий ва умуминсоний қадриятларга оид назарий-аксиологик концепцияларни талаба ёшлар маънавияти нуқтаи назаридан ўрганиш;

- марказий Осиё мутафаккирларининг ёшлар маънавияти, унинг шаклланишида миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти ҳақидаги ижтимоий-фалсафий фикрларини таҳлил қилиш;

- мустақил ривожланиш ва бозор муносабатларига ўтиш шароитида талабалар маънавияти янгиланишининг муҳимлигини, бу жараёнда қадриятларнинг ижтимоий-функционал аҳамиятини очиб бериш;

- талабалар камолотида миллий маънавий омиллар ва умуминсоний қадриятлар диалектикасининг намоён бўлиш хусусиятларини кўрсатиш;

- талаба ёшлар маънавиятида ҳаётий мақсад ва ҳаётий идеалнинг уйғунлашиш хусусиятларини очиб бериш;

- ҳаётий мақсад ва қадриятлар диалектикасининг талаба ёшларда ижтимоий-маънавий фазилатларнинг шаклланишига таъсирини тадқиқ этиш;

- талаба ёшлар маънавиятининг шаклланишига таъсир қилувчи воситалар ва технологиялардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиб беришдан иборатдир.

Ишдаги илмий янгиликлар ва эришилган натижалар миллий ва умуминсоний қадриятларнинг шаклланиш жараёни ва ривожланиш қонуниятларининг талаба ёшлар маънавий қиёфасида акс этиш хусусиятларини ўрганиш билан боғлиқдир. Талаба ёшларнинг маънавий шаклланишида қадриятлар ва ҳаётий мақсадлар ўртасидаги муносабатлар диалектикасидир. Талаба ёшлар маънавиятининг шаклланиши илк бор миллий ва умуминсоний қадриятларнинг диалектикаси нуқтаи назаридан тадқиқ этилди..

Талаба ёшлар маънавиятига миллий ва умуминсоний қадриятларнинг таъсири «ҳаётий мақсад», «ҳаётий идеал» каби антропологик тушунчалар орқали таҳлил этилди. Бу эса миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси талаба ёшларнинг:

- юқори малакали мутахассис бўлиб етишишини ахлоқий фазилатлар билан уйғунлаштириш;

- ички зиддиятларга тўла ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишида ижтимоий-тарихий тажрибаларга таяниш;

- илм-фан асосларини ўрганишни конкрет ҳаётий эҳтиёжлари билан қўшиб олиб бориш;

- ота-она ёрдамига таянган ҳолда ҳаёт субъекти бўлиш, яъни мустақил яшаш, масъулиятни ўз устига олиш;

- жаҳон цивилизацияси ютуқларидан, халқаро маданий-интеграцион алоқалар имкониятларидан фойдаланишни реал ҳаётий мақсадлари билан тўлдириш;

- оиласи, маҳалласи, Ватани билан маънавий-руҳий бирлигини, уйғунлигини сақлаб қолиш каби инсоний интилишларида акс этишини исботлаш имконини берди.

Ишнинг амалий ахамияти ретроспектив таҳлил, тизимли ёндашув, тарихийлик, мантиқийлик ижтимоий фикр ва статистик маълумотларни ўрганиш, ёшларнинг маънавияти ва ҳаётий мақсадини социодинамик кузатиш кабилардир. Ёшлар маънавиятини шакллантиришга аксиологик-дифференциал ёндашиш, унда ижтимоий-тарихий тажрибаларга таяниш, миллий ва умуминсоний қадриятларни шахснинг ҳаётий мақсади, ҳаётий идеали билан уйғунлаштириш лозимлиги ҳақидаги фикрлар маънавият муаммолари билан шуғулланувчи ижтимоий фанларни янги ғоялар ва ёндашувлар билан бойитади.

Ўтказилган социологик тадқиқот усуллари ва олинган натижаларни эса мустақил ишлар, рефератлар ёзишда янги педагогик технология сифатида татбиқ этиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий-назарий хулосаларидан маънавият ва маърифат марказлари, ёшлар ижодий уйлари, мактаблар ва ўқув юртларининг оммавий-маданий тадбирларида, ёшлар маънавиятидаги социодинамик ўзгаришларни махсус сўровномалар орқали ўрганиб боришда фойдаланиш мумкин. Ёшларни ижтимоий жараёнларнинг фаол субъектига айлантиришни назарда тутган ҳаётий мақсадни, ҳаётий идеални ўрганиш усулини янги педагогик технология сифатида қўллаш айти муддаодир.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Битирув малакавий ишининг асосий матни бетдан, «Кириш», 2 боб, 4 параграф, «Хулоса», «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» ва “Иловалар”дан иборат.

I – БОБ. МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР – ЁШЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатимизда ёшларнинг миллий ва умуминсоний қадриятларни ўрганиши уларнинг кадрига етиши ва шу асосда тафаккурининг янгилишига алоҳида эътибор қаратилган. 1994 йилда президент И.А.Каримов фармони билан «Маънавият ва маърифат» марказларининг ташкил қилиниши, 1996 йил 11 сентябрда «Маънавият ва маърифат» марказларининг фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилиниши ва шу асосда 1997 йил 24 мартдан барча ўрта махсус ва олий ўқув юрларида «Маънавият асослари» фанини ўқитишнинг жорий қилиниши. 1999 йил 30 августда «Маънавият ва маърифат» кенгашининг ташкил қилиниши бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради. Чунки миллий ва умуминсоний қадриятларни билмасдан ёшлар ҳеч қачон маънавий камолотга эриша олмайдилар. Мадомики, шундай экан ўз тадқиқотимизда талаба ёшлар маънавияти ва миллий қадриятларининг ўзаро алоқадорлиги ҳамда умуминсоний қадриятларнинг талаба ёшлар маънавий шаклланишининг таъсирини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

1.1. Талаба ёшлар маънавияти ва миллий қадриятлар

Истиқлолга эришган ҳар бир халқ, миллат ва давлат ўз тараққиёт йўлларини қидиради. Сиёсий ҳокимиятни қўлга олиш миллий тараққиёт учун дастлабки қадам, барча муаммо ушбу ҳокимиятни қўлда сақлаб қолиш, кишилар қалбида истиқлолга ишонч уйғотиш ва уларни жамиятни янгилашга жалб этишдадир.

Шунинг учун ҳам Президент Ислам Каримов ўз мамлакати истиқболи ҳақида фикр юритар экан, қуйидагича таъкидлайди: “Мустақил Ўзбекистоннинг куч -қудрат манбаи халқимизнинг миллий қадриятларимизга

содиклигидир. Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик кўртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни маънавий янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун шарт-шароит яратишдир”¹.

Фалсафий тафаккур асосидагина бу муаммолар билан боғлиқ бўлган тарихий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий масалаларни чуқур илмий умумлаштириш, асосий қонунлари ва қонуниятларини очиб бериш мумкин. Бу борадаги фалсафий умумлашмалар ўтмишнинг илмий якуни ҳамда истиқлолни тўғри англаш, тараққиётга йўналтирилган мафкура учун зарур бўлган муҳим дастур ҳамдир.

Миллий қадриятлар турмуш тарзимиз, маънавий қиёфамиз, муқаддас маъволаримизни англаш, давлатчилик анъаналаримизни тиклашга, халқимизнинг истиқбол тўғрисидаги асрий орзуларини рўёбга чиқаришга ёрдам беради ва бу борада халқни халқ, миллатни миллат сифатида бирлаштиради. Ўз қадриятларини ва қадрини билган халқ оломонга айланмайди, буюк ишларга қодир эканини ҳис қилади, истиқлолини омон сақлайди, фарзандларининг камолоти учун қайғуради. Айнан шунинг учун ҳам миллий қадриятлар жамиятни янгиланишига хизмат қилувчи маънавий омил ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларга эътибор кучайди. Миллий қадриятлар мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлайдиган, халқимизни маънавий покланишга етаклайдиган асослардан биридир. Улар Марказий Осиё цивилизациясини яратди. Бизнинг миллий қадриятларимиз ана шу цивилизацияга хос жиҳатлар: туғилган макон ва она юртга эҳтироси, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат,

¹ Жўраев Н. Миллий истиқлол мафкураси, шаклланиш жараёни. // Шарқ машъали.; 1998. - 3-4 сон. -Б.6.

муомалада мулозамат, ҳаё, андиша кабиларнинг устуворлиги билан ҳам характерланади.

«Жамиятнинг маънавий янгиланишида, - дейди Президентимиз И.Каримов, - биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил «изм»лардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳар қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг «Куч - адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч – билим ва тафаккурда» деган бўлардим»¹.

Ушбу жараёнлар ёшларга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмайди. Хўш ёшлар ким? Уларга қандай хусусиятлар хос? Ёшлар жамият аъзоларининг энг актив қисми бўлиб, улар ўзларининг бунёдкорлик ишлари билан ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларига сезиларли таъсир кўрсатиб, мамлакатимизнинг социал-иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Бугунги кун ҳаммамизни ижтимоий ишларда актив бўлишга, ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлигини узлуксиз оширишга даъват этади. Бинобарин, жамиятимизни такомиллаштириш йўлидан муваффақиятли олға қараб бориши кўп жиҳатдан ёшларнинг таълим-тарбияси, уларнинг ижтимоий активлигига боғлиқдир.

Ҳозирги авлоднинг, айниқса ёшларнинг Ватан олдидаги, тарих олдидаги хизматлари энг аввало, мамлакатимизда қурилаётган демократик

¹ Қаранг: Баркамол авлод орзуси. - Т.: Шарқ, 1999. - Б.80.

жамиятни янада такомиллаштириш вазифасини қай даражада муваффақиятли уддалаши билан ўлчанади.

Ёшлар тарбияси ҳақида қайғуриш – эртанги кун, ёрқин келажак ҳақида қайғуриш демакдир. Ёш авлоднинг мамлакат иқтисоди ва маданиятини ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси қанчалик салмоқли бўлса, жамият уларга шунчалик кўп неъматлар беради. Жамият — ёшларга, ёшлар — жамиятга! Ёшларнинг ҳуқуқ ва вазифаларининг бирлиги ана шундай ўзаро муносабатда ўз ифодасини топади. Ёшларнинг актив фаолияти уларни ҳар томонлама камол топтириш билан боғлиқдир. Ёшларнинг жамиятда тутган ўрни ва роли мураккаб масаладир. Демократик жамият қурилиши даврида ёшларнинг социал-сиёсий, ижтимоий активлиги тобора кучайиб бормоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг ўқиш ва ижодий меҳнатда, жамият ҳаётида фаол қатнашишлари учун зарур бўлган барча шароитларни яратиб бериш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келинмоқда.

Талабалик йиллари — ёшлар ҳаётининг энг муҳим, ривожланиш давридир. Бу даврда ёшлар жисмоний ва актив жиҳатдан камолотга етадилар, ҳаёт маъносини чуқурроқ, англайдилар, жамиятда ўз ўрнини топиш йўлида излаланадилар. Худди ана шу даврда юксак идеаллар учун фаол курашчининг хусусиятлари шаклланади, тажрибаси ортади. Бинобарин, талабалик даври — орзу ва ишончлар, келажакка интилишлар, бўлажак режаларнинг шаклланиш давридир. Ана шу даврда ёшлар ижтимоий меҳнатни тўғри баҳолай оладиган, мамлакат олдидаги вазифаларни, шахс ва жамият манфаатларининг уйғунлигини, жамият бойликларининг қийматини, Давлатимиз белгилаб бераётган вазифаларни тўғри англашга интиладиган баркамол шахсга айланадилар. Шу боисдан ҳам ижтимоий тараққиёт талаба ёшларнинг ижтимоий фаолиятининг ҳамма соҳаларида фаол бўлишини, ўзига ва бошқаларга нисбатан талабчанликни талаб этади.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшлар бу хусусиятларни ижтимоий ҳаётда тўла намоён этиш имкониятига эгадирлар.

Талаба ёшлар деганимизда, ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларида таълим олаётган 17—27 ёшлардаги йигит ва қизлар тушунилади. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларнинг умумий сафи йилдан-йилга тез суръатлар билан ўсиб бормоқда.

Истиклол йилларида мамлакатимизда инсон маънавий юксалди, унинг умумий таълим ва маданий қиёфаси ўзгарди. Республикаимизда фақатгина умумий ўрта таълимгина амалга оширилиб қолмай, балки меҳнаткашлар учун ҳозирги фан ва маданиятнинг барча ютуқларидан баҳраманд бўлишга имкониятлар очилди. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 10 мингдан ортиқ умум таълим мактабларида 5 млн.га яқин ўғил-қизлар таълим олмоқда. Юзлаб лицей-коллежларда 360 минг дан ортиқ ўқувчи ихтисос ўрганмоқда. 63 та олий ўқув юртларида ҳар йили 52 мингга яқин малакали мутахассис тайёрланиб, ҳаётга йўлланма олмоқда. Улар халқ хўжалигининг барча соҳаларида муваффақиятли меҳнат қилмоқдалар.

Ҳар томонлама етук кишини камол топтириш ўз-ўзидан амалга ошмайди, албатта. Бунинг учун кўп йиллар давомида тинимсиз ғоявий-сиёсий тарбия жараёнини амалга ошириш — ёшларда, жумладан, талабаларда юксак эътиқодни, демократик идеалларга чексиз ишончни, ғоявий матонатни, сиёсий хушёрликни, бузғунчи ғоя ва мафкураларнинг зарарли таъсирига қарши курашиш кўникмасини шакллантириш керак.

Бугунги талаба ёшлар эртанги кунда мамлакатимиз олдида турган улуғвор вазифаларни амалга оширишга тайёрланаётган кишилардир. Бугунги талабалар истиклол машъалини ёққан кишилар авлоди, улар яратаётган янги жамиятни келажак томон олиб борувчи ёшлардир. Улар бу борадаги масъулиятни доимо эсда тутмоқлари керак.

Бугунги жамият талаблари, илмий-техника ва технология суръатлари ўсиб бориши, талаба ёшлар бажараётган ижтимоий функцияларни янада

мураккаблаштирмоқда. Бу ижтимоий функциялар қуйидагилардан иборатдир:

1) жаҳон халқлари ҳаётини, мамлакатимиз ривожини, тараққиётнинг ўзбек моделининг моҳиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш;

2) фан-техника ва технологиялар асосларини чуқур эгаллаш;

3) касбга алоқадор бўлган профессионал ва ижтимоий кўникмаларни меҳнат билан, сиёсий ва ахлоқий маданиятни тинмай ўстириб бориш йўли билан ҳосил қилиш;

4) ижтимоий-сиёсий фаолиятда ўз меҳнати билан актив қатнашиш;

5) келажакдаги мустақил, ижодий фаолият учун зарур бўлган махсус билимларни эгаллаш, янгича дунёқарашни шакллантириш ва ҳоказолар.

Бу хусусиятлар талаба ёшларнинг актив ижодий меҳнатида ўз ифодасини топади. Талаба ёшлар бу даврда ўз меҳнат фаолияти турини, ўзининг маънавий идеалини белгилаши, муайян турмуш тарзини ҳосил қилиши лозим. Бинобарин, талаба меҳнати ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлган ақлий меҳнат экан, демак бу меҳнат аъло ўқишда, илмий фаолиятда ва фан асосларини ижодий ўзлаштиришда ўз ифодасини топади. Бу эса талаба ёшларнинг профессионал фаолиятидир.

Маънавий соҳадаги фаолликнинг моҳияти ва мазмунини аниқлар эканми, аввало: биринчидан, унинг ўзи нима, у инсоннинг маънавий қиёфасидаги ўзига хос хусусиятми ёки маълум бир тарзда намоён бўладиган ижтимоий фаолиятми? - деган масалага эътибор бериш лозим.

Иккинчидан, инсоннинг ҳар қандай фаолиятига фаоллик тушунчасини татбиқ этиш мумкинми ёки у фаоллик инсоннинг бунёдкорлик, ташаббускорлик, ижодий фаолиятида вужудга келадими?

Учинчидан, маънавий фаоллик барча кишиларга хосми ёки фақат баъзи жамият аъзоларига тааллуқлими? Ҳозирги босқичда қандай кишилар

фаолиятини маънавий фаоллик дейиш мумкин?- деган қатор масалаларни англаб олишимиз керак.

Кишиларнинг маънавий фаолиятини конкрет тарихий фактлар асосида таҳлил қилаётганда фаолликнинг бир-бирига боғлиқ, бўлган жиҳатига алоҳида аҳамият бериш лозим.

Маънавий фаоллик маълум бир тарихий шароитда, муайян даврда яшаётган ва ўзининг яшаш шароитини, ижтимоий муҳитини ўзгартиришга тайёр турган шахсларнинг жамиятни туб ислоҳ қилиш ишига қобиллигидир. Яъни маънавий соҳадаги активлик — бу кишининг ижтимоий борлиққа, конкрет тарихий шароитга, жамиятдаги муайян жараёнларга онгли, фаол муносабатидир.

Жамиятимиз ривожининг ҳозирги босқичида ёшларнинг маънавий соҳадаги фаоллиги уларнинг ўз актив ҳаётий позициясини онгли ва ижодий равишда амалга оширишидан иборатдир. Бундай позиция — юртимизда озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриши сиёсатининг моҳиятини билишни, ижтимоий ҳодисаларга теран муносабатни, жамият тараққиётининг устувор вазифаларини чуқур ўрганишни, яъни назария билан амалиётни моҳирона қўшиб олиб боришни, меҳнатга фаол муносабатни, юксак эътиқод ва ахлоқий фазилатларни намоён этишни англатади.

Мамлакат ҳаётини такомиллаштиришда, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, инсон омилини фаоллаштиришда олий ўқув юртлари олдига ниҳоятда катта ва масъулиятли вазифалар қўйилган.

Иқтисодий ва социал тараққиётни жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишда олий мактабнинг энг муҳим вазифаларидан бири — юқори малакали мутахассислар тарбиялаш билан бир қаторда, ҳар томонлама камол топган кишиларни шакллантиришдир. Бунинг учун олий ва ўрта махсус юртларнинг ўқув, ғоявий-тарбиявий вазифаларини кучайтириш, талаба ва ўқувчи ёшларни юксак ғоявий-сиёсий ва маънавий руҳда тарбиялашни, бўлғуси мутахассисларнинг камолоти соҳасидаги ишларни кучайтириш,

ўқитувчиларнинг назарий ва касб даражасини янада такомиллаштириш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш ниҳоятда муҳим.

Олий ва ўрта таълим муассасаларига танлаган ихтисосга мойиллиги аниқ, сезилиб турувчи йигит ва қизларни танлаб олишни тубдан яхшилаш, ижтимоий ва ихтисос фанларни ўқитиш сифатини ошириш, амалий, семинар ва лаборатория, аудиториядан ташқари ишларни такомиллаштириш ва шу каби масалалар юзасидан бир қанча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Маълумки, олий ўқув юртлири иқтисодий, социал ва маънавий тараққиётимизга катта таъсир кўрсатади. Энг муҳими талабаларда янгича дунёқарашни, юксак маънавиятни шакллантириш, уларни Ватанга садоқат, сиёсий ҳушёрлик, бузғунчи ғояларга мурасасизлик руҳида тарбиялашда ижтимоий фанларнинг роли беқиёсдир.

Жамиятнинг ижтимоий гуруҳи бўлган талаба ёшлар фаоллиги жамиятимиз аъзоларига хос фаолликнинг ҳамма хусусиятларини ўзида акс эттиради.

Демократик тараққиётнинг ошиб бораётган талаблари, шунингдек, объектив ва субъектив омиллар талаба шахсига таъсир қилиб, уларни актив ҳаётий позицияда туришга ва кундалик вазифаларни ҳал қилишда ижодий фаолият кўрсатишга, жамиятда ўз ўрнини тўғри англаб олишга ундайди.

Биобарин, талаба ёшларнинг маънавий соҳадаги фаоллиги олий ўқув юртида ва ундан ташқарида турли соҳаларда амалга оширилаётган онгли ва мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Талаба олий ўқув юртидаги таълим-тарбиявий, оммавий-ташкилий соҳаларда олиб борилаётган ишларнинг объектигина эмас, балки унинг ўзи бу ишларда иштирок этувчи ва уларни ташкил этишда қатнашувчи шахс, шу фаолликнинг субъекти ҳамдир. Биобарин, талаба ёшларга бугунги турмуш тарзи, муайян олий ўқув юртидаги шарт-шароитлар ва ижтимоий муносабатлар, тартиб-қоидалар ҳам таъсир этади уларни тарбиялайди.

Талаба ёшларнинг маънавий фаоллиги деганимизда, уларнинг ўз мақсадларини рўёбга чиқаришдаги фаолиятга қандай муносабатда бўлишларига алоҳида эътибор бермоқ, лозим. Ўзи танлаган мутахассисликка тўла ишонч, олий ўқув юртини тугатгандан кейин мустақил меҳнат ҳаётини тўғри тасаввур қилиш, мутахассисликни эгаллашда ўзидаги қобилият, билим даражасининг етарлигини англаш кабилар талаба ёшларнинг фаоллигига катта таъсир этиш билан бирга уларнинг олий ўқув юртидаги ва ундан ташқаридаги фаолиятларига бўлган муносабатларини ҳам белгилаб беради. Талаба ёшларнинг ўқув жараёнига, олий ўқув юртидаги жамоат ишларига ва ўз фаолиятига онгли муносабати улар фаоллигининг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Социологик тадқиқот маълумотларидан шу нарса маълум бўлдики, талаба ёшларнинг асосан кўпчилиги ўзлари танлаган мутахассисликни эгаллашларидан асосий мақсад — мустақил меҳнат билан ҳаётда жамият бахт-саодати йўлида хизмат қилишдан иборат. Масалан, Тошкент олий ўқув юртларида олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, талабаларнинг аксарият кўпчилиги келажакдаги мустақил ҳаётида жамият ва халқ учун фойдали меҳнат қилажакларини билдирган. Фақат 10 фоизини жамиятда юксак мавқени эгаллаш, 4,5 фоизини илмий иш билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишни, 2 фоизини ортиқроғи ўзининг шахсий ҳаётини яхшилашни билдирган.

Талаба ёшларнинг маънавий фаоллиги дейилганда яна нималарга эътибор бермоқ керак?

Баъзилар талабаларнинг ҳамма фанларни тўлиқ, ўзлаштиришлари бундай фаолликнинг асосий кўрсаткичи деб ҳисоблайдилар. Масалан, барча фанлардан фақат аъло баҳо олиб, имтиёзли диплом олиш ва келажакда юксак мақсадга интилаётган, ўзи билан бирга ўқиётган талабалар ва ўртоқлари тақдири, олий мактаб ҳаёти, жамоатчилик ишларига бефарқ қарайдиган (одатда бундайлар билимдон, лекин бошқалар билан ўз билимини баҳам

кўрмайдиган бўлишади) ёки жамоат ишларида актив қатнашадиган, жамоа ва ўртоқлари тақдирига жон куйдирадиган, лекин ўқув жараёнига кам қатнашадиган, илмий-тадқиқот ишларида пассив иштирок этадиган, шунингдек, ижтимоий фанлар бўйича яхши ўзлаштирмайдиган талабани актив шахс деб аташ мумкинми? Албатта, йўқ. Демак, у ёки бу талабани актив дейиш учун ўша талаба амалга ошираётган ижтимоий фаолиятнинг, алоқа ва муносабатларнинг бир қатор комплекс кўрсаткичларини назарда тутмоқ лозим. Бу кўрсаткичлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

— ўқув жараёнида актив иштирок этиш билан юқори натижаларга эришиш;

— илмий-тадқиқот ишларида, ижтимоий фойдали меҳнатнинг турли соҳаларида актив қатнашиш, ташаббускор, ўртоқларига ўрناк бўлиш;

— олий ўқув юрти ва ундан ташқаридаги оммавий-сиёсий, маданий ҳамда шу каби жамоатчилик ишларида ва уларни ташкил қилишда актив қатнашиш;

— жамоат ташкилотларининг бирида ишлаш ва уларнинг топшириқларини масъулият ҳис қилган ҳолда бажариш.

Маънавий соҳадаги активлик шакллари инсон фаолиятининг асосий шакллари билан, меҳнат ва оммавий-сиёсий фаолият билан ҳамоҳанг бўлишни тақозо қилади.

Жамиятимизни миллий кадриятлар асосида, жумладан, ёшларнинг фаоллигини янада кучайтиришда олий ўқув юртлари олдига жуда катта ва масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Бизнинг мамлакатимизда демократияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, янги инсонни камол топширишнинг муҳим муаммолари амалда ҳал қилинаётган ҳозирги босқичда ёшларнинг роли тобора ортиб бормоқда.

Мамлакат ҳаётини такомиллаштиришда миллий эҳтиёжлар ҳисобга олиниб, умумий таълим ва ўрта махсус таълимни ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Ислоҳот ёшларнинг юксак билим

даражасига эга бўлишларини таъминлаш билан бирга шахсни шакллантиришнинг гоят муҳим омили бўлган ижтимоий-фойдали меҳнатга ҳам ундайди.

Жамиятни тараққий эттириш, фан-техника ва технология тараққиёти суръатларини жадаллаштириш вазифалари қонуний равишда ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашни тегишли тарзда қайта қуришни тақозо этди. Ёшлар ҳозирги XXI аср бошларида турган мураккаб муаммоларни муваффақиятли ҳал эта олишлари керак. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» таълим-тарбия ишини давр талаблари ва эҳтиёжларига мос келадиган, сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришни мақсад қилиб қўяди. Зотан олий ўқув юртига борадиган ёшлар аввало мактаб ва ўрта таълим юртлари қучоғида таълим оладилар. Бу эса тарбиявий жараённинг амалиёт, ҳаёт, унумли меҳнат билан уйғунлигига катта аҳамият беришни талаб қилади.

Талаба ёшлар маънавияти, аввало, миллий қадриятлар таъсирида шаклланади. Зеро, оила, мактаб, маҳалла бу жараённинг тамал тошини қўяди. Ўрта таълим муассасалари ва олий мактаб ёшларни янада юксакроқ маънавий қиёфасини шакллантиришга хизмат қилади. Бу эса улар фаоллигини ошириш, талаба ёшларда миллий қадриятларга содиқлик туйғусини тарбиялашга хизмат қилади.

1.2. Умуминсоний қадриятлар ва талаба ёшларнинг маънавий шаклланиши

Президент Ислом Каримов мамлакатимиз истиқболи ҳақида фикр юритар экан, «мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрат манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидадир,- деб таъкидлайди. – Халқимиз адолат, тенглик, аҳил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асрлар бўйи авайлаб-асраб келмоқда. Ўзбекистонни янгилашнинг олий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, фаровонлик, маданият, виждон эркинлиги ва ҳар бир кишини камол топтиришга эришиш учун зарур бўлган шарт-шароит яратишдир»¹.

Бу фикрдан англашиладики, Президент мамлакат куч-қудратини халқнинг маънавий камолотида кўради, бу билан жамики инсоний фазилатларни такомиллаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифасини қўйилмоқда. Бу, биринчидан, давлат сиёсатининг нечоғлик инсонпарварлигини, иккинчидан, давлат раҳбарининг халқ маънавий-руҳий эҳтиёжларини нақадар чуқур ўрганганлигини кўрсатади. Учинчидан эса, бу халқ ва ҳокимият интилишларининг муштараклигидан далолат беради.

Инсонпарварлик, умуминсоний қадриятларга содиқлик, уларни асраб-авайлаш билан бирга янги замон талабларига мос равишда такомиллаштириб бориш – умуман олганда маънавий тараққиёт мезони, миллий равақ асоси, талабалар камолотининг энг муҳим омилидир. Бундай руҳиятдаги одам ҳеч қачон бировга тазйиқ қилмайди, шафқатсизлик ва зўравонлик каби ғайриинсоний иллатларга ҳамиша нафрат билан қарайди. Ўз табиатига мос равишда бағрикенг ва мурувватли бўлади.

Умуминсоний нуқтаи назардан ёшларни, хусусан талабаларни тарбиялашнинг маънавий тараққиёт мезонлари нималарда акс этади?

¹ Каримов И. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.- Т.:Ўзбекистон, 1993. – Б.74.

Мавзуни тадқиқ этиш бизга ушбу мезонларни, тўғрироғи, йўналишларни қуйидагича тасниф қилиш имконини беради:

1. Маънавий тараққиёт йўлида жаҳон аҳли, бошқа халқлар, давлатлар, маданиятлар билан интеграцион алоқалар ўрнатиш.

2. Минтақавий қадриятларни асраш ва уларни ривожлантириш учун этнорегионал алоқаларни олиб бориш.

3. Жаҳон динига айланган ва ўзида умуминсоний қадриятларни сақлаётган исломий маънавий қадриятларга таяниш.

4. Жаҳон халқлари сафида тинчлик, барқарорлик, инсон тараққиёти учун курашиш.

5. Демократик тамойилларга содиқлик, умумжаҳон амал қилаётган принципларга, ҳуқуқ нормаларига, ахлоқ қоидаларига риоя этиш.

6. Иқтисодий интеграция орқали умумий ижтимоий-маданий макон яратишда иштирок этиш.

7. Илм, фан, маърифат, таълим-тарбия соҳаларида жаҳон аҳли эришган ютуқларни жорий этишга интилиш ва б.

Умуминсоний қадриятлар негизида, энг аввало, дунёдаги давлатлар билан ҳамкорлик барча халқлар, миллат ва элатларга хос ранг-баранглик асосига қурилган интеграцион алоқалар ётади. Ҳозирги даврда умуминсоний (умумбашарий) алоқалар, муносабатлар мамлакатларнинг ўзаро тенглиги, бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик, халқларнинг ўз ҳуқуқини ўзи белгилаши каби тамойилларга таянади. У умуминсонийлик тамойили билан чамбарчас боғлиқдир. Оламдаги барча халқ ва миллатларга хос ранг-баранглик уларни бир-биридан ажратиш эмас, балки умумий уйғунликни шакллантирадиган муштарак белгилардир. Бу тамойилга кўра, аҳолисининг таркиби ранг-баранг, ҳудудида 120 дан ортиқ миллат ва элатлар яшайдиган Ўзбекистонда умумэтник қарашлар ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигини ўзида ифодаладиган бўлиши табиийдир. Бу минтақа қадим-қадимдан умргузаронлик қилиб келаётган барча халқлар учун умумий макон, авлод ва

аждодларимизнинг хоки, мероси, руҳини сақлаб келаётган муқаддас ватандир. «Туркистон – умумий уйимиз» шиори минтақавий қадриятнинг асосий йўналишини акс эттиради. Хоразмий ва Форобий, Ал-Бухорий ва Аҳмад Яссавий, Беруний ва Ибн Сино, Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбандий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий, Маҳтумқули ва Абай, Бердақ ва Авлониё каби маънавиятимиз салафлари қаерда туғилганлари, қайси тилда сўзлаганлари ва ижод қилганларидан қатъий назар, минтақамиз маданиятининг тамал тошларини қўйиб кетган зотлардир. Уларнинг меросини яхлит бир тамаддун (цивилизация) нинг меваси, умумэтник қадрият сифатида эъзозлаш ва эътироф этиш ҳам минтақавийлик тамойилига дахлдор. Бу ҳам минтақавий қадриятларнинг умуминсонийлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 19 майдаги қарори билан Тошкент шаҳрида ислом таълимоти ва фалсафасини, ўзбек халқининг диний, тарихий ва маданий меросини чуқур ўрганиш мақсадида халқаро ислом тадқиқот маркази ташкил этилди. Мазкур марказнинг асосий вазифаси диёримиз мусулмонларига миллий қадриятларимизни, ҳақиқий ислом таълимотини етказиш, мавжуд исломий осори-атикалар тарихини ўрганиш, нодир қўлёзма асарларини тадқиқ этиш, улар билан кенг жамоатчиликни, илм аҳлини таништириш, дарслик ва қўлланмалар, луғатлар тайёрлаш ва нашр қилишдан иборатдир. Минтақавий қадриятлар билан боғлиқ ислом динининг бой маънавий-маданий меросини асраб-авайлаш, диёримизда етишиб чикқан буюк алломаларнинг илмий ғоялари ва асарларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил этиш учун Тошкент ислом университетининг ташкил этилиши, унинг қошида академик лицей ташкил этиш тўғрисидаги 1999 йил 7 апрелдаги Президентимиз фармони аждодларимизнинг бой қадриятлари ва анъаналарини ривожлантиришга муҳим асос бўлади.

Исломий диний қадриятлар мана ўн икки асрдан бери минтақамиз халқларини бирлаштириб келади. Юқоридаги ўқув юртларда ёшлар ана шу қадриятлар билан танишибгина қолмай, улар ушбу қадриятлардан маънавий тараққиёт йўлида самарали фойдаланишга йўналтирилади. Чунки ушбу ўқув юртлари ёшларни диний ва дунёвий таълимотлар билан қуроллантиради, диний қадриятларнинг асл моҳиятини талабалар ўртасида очиб бериш билан шуғулланади. Агар «исломга бир бутун таълимот сифатида ёндашсак, унда ҳар бир жамиятда барқарорликни таъминлаш, одамлар орасида чинакам инсоний муносабатларни шакллантириш устувор ғоялардир. Бугунги кунда исломдаги ана шу ғояларни қадриятга айлантириш муҳимдир.

Ислом маърифат ёювчи, инсонпарвар диндир. Ҳирсга, бойликка, барча салбий ҳислатларга қарши кураш исломнинг, айниқса, тасаввуфнинг мағзи ҳисобланади. У бойликка ружу қўйишдан, мол-дунёга ҳирс боғлашдан сақланиш, ахлоқсизликлардан юз ўгириш ғоясини илгари сурган дин, таълимот сифатида бугунги кун учун улкан қадриятдир¹.

Умуминсоний қадриятлар барча ёшлар, хусусан талабалар маънавиятини шакллантирадиган муҳим омилдир. Улар орасида меҳнат қобилиятини ўстириш ниҳоятда муҳим. Зеро, меҳнат жамият учун моддий ва маънавий бойликларни яратибгина қолмай, балки кишиларнинг ундан баҳраманд бўлиш воситаси, жамият тараққиётининг асосий шарти ҳамдир.

Меҳнат шахснинг ҳар томонлама камол топишининг ҳал қилувчи воситасидир. Ҳозирги даврда талаба ёшлар меҳнати, аввало ўқув фаолиятида, фан асосларини эгаллашда, профессионал кўникмалар ҳосил қилишда, илмий-тадқиқот ишларида вужудга келади ва такомиллашиб боради. Ўқиш, билим олиш талабалар учун алоҳида хусусиятларга эга бўлган профессионал фаолиятдир. Бизнингча, талаба ёшларнинг меҳнати:

а) ўқув жараёнига ижодий муносабатда бўлиш, ўқув вазифаларини ўз вақтида ва аъло даражада бажариш;

¹ Комилов Н. Ғойиблар хайлидан ёнган чироқлар. – Т.: Ўзбекистон, 1994. - Б.13-14.

б) илмий-тадқиқот ишларида ва тарбиянинг ўқув жараёнидан бошқа формаларида, ҳаваскорлик тўғарагида актив қатнашиш;

в) ўқув-ишлаб чиқариш практикаси, қишлоқ, хўжалик ишларида ва қурилиш отрядларида бажариладиган унумли ишлари ва ҳоказоларни ўз ичига олади.

Фаол талаба ўқув жараёнида тўла қатнашиши ёки «аъло» баҳоларга ўқиш билан бирга ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини тўғри тушунадиган, ўз олдидаги ва ўртоқлари зиммасидаги вазифаларни тўғри англайдиган, доимо олға интиладиган, ўз ташаббускорлиги билан бошқа ўртоқларини ўз орқасидан эргаштира оладиган ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ўрнатилган бўладиган шахсдир. Эзгу ва бунёдкор ғояларни ҳаётга амалий татбиқ этиши лозим бўлган ва унга тайёрланаётган кишининг маънавий қиёфасини бу олижаноб фазилатлар беэбаб туриши керак.¹

Жумладан, республикамиз олий ўқув юртлари талабаларининг 21 фоизи ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг 18 фоизи илмий-тадқиқот ишларида қатнашмоқдалар. Энг яхши ишлар махсус илмий журналларда чоп этилмоқда, ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Масалан, 2004 йилда республикамиз талабаларининг 29 мақоласи чоп этилди, 5 та илмий иш авторлик ҳуқуқини олди, 52 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу 2003 йилдагига нисбатан 5 % ортиқдир. Бундан ташқари, республикада 36 та талабалар ижодий марказлари ишлаб турибди, унда 4,5 минг йигит ва қиз иштирок этмоқда.

Тошкент техника университети, Ахборот технологиялари университети, Тошкент темир йўл инженерлари институтининг талабалари фан-техника ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қўлларидан келганича ҳисса қўшмоқдалар. Масалан, Тошкент авиация институтининг талабалари янги енгил самолёт моделини ишлаб чиққан. Бу модель Бутун иттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг бронза медали билан тақдирланди.

¹ Жабборов Ш., Ғофуров Б. Айб фақат ёшлардами? // Халқ сўзи, 2006, 25-январь.-Б. 2.

Тошкент темир йўл инженерлари институтининг «Транспорт» талабалар ижодий марказида кейинги уч йил мобайнида 60 га яқин қимматли таклифлар киритилди. Бу таклифлар Тошкент, Бухоро Самарқанд ва бошқа темир йўл станцияларида муваффақият билан қўлланилмоқда. Институтнинг 14 талабаси муаллифлик гувоҳномасини олди. Улар киритган таклифлар 25 миллион сўм иқтисодий фойда келтирди.

Лекин ёш ижодкорлар ўз ишларини талаблар даражасига кўтарганлари йўқ. «Камолот» жамғармаси ташкилотлари талабаларнинг асосий меҳнатлари — ўқиш учун масъулиятини оширишга унчалик фаол таъсир кўрсатмаяптилар. Юқорида тилга олинган олий ўқув юртларида талабаларнинг икки фоизига яқини илмий-тадқиқот ишларида қатнашмоқда. Мазкур илм ўчоқларида тахсил кўраётган талабаларнинг тўртдан бир қисми ижтимоий фанлардан қониқарли (аъло эмас) баҳо олмоқдалар. Бу улар маънавий қиёфасига салбий таъсир қилади албатта.

Ана шу юқорида келтирилган далиллар талабаларнинг ўқув жараёни ва илмий фаолиятида муаммолар борлигидан далолат бериб турибди.

Шахснинг меҳнатда шаклланиши — мураккаб жараён, бунда ёшлар меҳнатнинг ижтимоий мақсадини, унинг зарурлиги, аҳамиятини англашлари муҳим роль ўйнайди. Бу борада талаба ёшлар меҳнатининг яққол намунаси бўлмиш ўқув амалиёти яхши натижаларини бериши мумкин. Бу ҳаракат ўз даврида ўқув жараёни билан практик фаолиятни қўшиб олиб боришнинг, талабаларда меҳнатга тўғри муносабатни шакллантириш ва профессионал билим ҳамда кўникма ҳосил қилишнинг энг яхши ва мақсадга мувофиқ мактаби эканлигини кўрсатган эди.

Ёшларни меҳнатга хурмат ва муҳаббат руҳида тарбиялаш ишидаги таълим-тарбиявий камчиликларини бартараф этиш олий ўқув юрти жамоаси зиммасига тушади. Бинобарин, баъзи олий қув юртларида сиёсий-тарбиявий ишда чора-тадбирларни қалаштириб ташлаш, ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини, йигит ва қизларнинг ижтимоий позициясини эътиборга

олмаслик каби расмиятчиликка йўл қўйилмоқда. Айрим ҳолларда ўқув йилининг сўнги кунларини шошма-шошарлик билан яқунлаш ҳоллари учрайди.

Ўзбекистон Президенти И.Каримов Талабалар шаҳарчасидаги учрашувда таъкидлагани каби, талабалар эл-юрт ишига чексиз садоқатли, юксак профессионал маҳоратга, билимларнинг замонавий даражасига, ташкилотчилик қобилиятига, вазифаларни жамият манфаатлари нуқтаи назаридан туриб ҳал этиш маҳоратига эга бўлган кишилар бўлиб тарбияланишлари зарур.¹

Юксак сиёсий маданиятни — дунёвий эътиқодни, демократик жамият барпо этиш ишига садоқатни тарбиялаш, уни барпо этиш қонунларини билиш бутун ғоявий-сиёсий ишнинг ўзагидир. Талаба ёшлар ўқув жараёнида, меҳнатда актив иштирок этишлари билан бирга оммавий-сиёсий ва ташкилий ишларда ҳам фаол қатнашишлари катта аҳамият касб этади. Талаба ёшлар маънавияти деганимизда, оммавий-ташкилий соҳадаги ижодий фаолиятни ҳам тушунамиз. Далиллар талаба ёшларининг муайян оммавий-сиёсий фаоллигидан далолат бериб турибди. Республикамиз олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларида тахсил кўраётган талабаларнинг 49 фоизии жамоат ишларида доимий ва вақти-вақти билан иштирок этади.

Бироқ, республикамиз талабаларининг айрим қисми жамоат ишларида иштирок этмаяпти, билимларни юксак эътиқодга айлантириш воситаси сифатида бўлажак мутахассисларнинг ижтимоий-сиёсий амалиётидан етарли даражада фойдаланилмаяпти, талабалар меҳнаткашлар ўртасида давлатимиз сиёсатини тарғиб қилишда, ўсмирлар билан ғоявий-тарбиявий ва оммавий спорт ишлари олиб боришда кенг иштирок этмаяпти. Афсуски, бу борада илгари фаолият юритган ижтимоий касблар факультетлари ҳозирги даврда йўқ. Уларни қайта тиклаш ўқув фойзига,

¹ Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз куриб бўлмайди / Республика маънавият ва маърифат маркази, - Т.: 2006. –Б.80.

илмий ишларга, унумли меҳнатга нисбатан нотўғри муносабатда бўлишнинг олдини олган бўлур эди.

Масалан, айрим олий ўқув юртлари, жумладан, Ўзбекистон Миллий университети маъмурияти, «Камолот» ташкилоти талаба ёшлар тарбиясига эътиборни бўшаштириб юборганликлари натижасида кейинги икки йил мобайнида талабалар ўртасида қонунчиликни бузиш ҳоллари учради, улар талабаликдан четлаштирилди, раҳбарият икки марта ўзгартирилди.

Талаба ёшлар ўртасида жамият манфаатларига зид ҳодисаларнинг содир бўлиши йигит ва қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга эътибор бўшашганлигининг оқибатидир.

Шаҳар шароити, шунингдек, оиладаги муҳит, яъни ота-онанинг давлат муассаса ва корхоналарида меҳнат билан бандлиги туфайли айрим ёшлар назоратдан четда қолаётганлиги гиёҳвандликнинг вужудга келишига асосий сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, бу уларнинг баъзиларини ҳуқуқбузарлик, фоҳишабозлик томон етаклайди. Мазкур муаммоларнинг сабабларини ўрганиш мақсадида «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази социологик тадқиқотлар ўтказди ва ОИТВ ҳамда ОИТС ҳақида профилактика ишлари етарли даражада эмаслигини тасдиқлади. Бу эса ёшларимизнинг турмуш тарзига бўлаётган таҳдидлар ҳақида маълумотларнинг саёзлиги, юзакилиги бу йўналишда амалга оширилаётган профилактик тадбирларнинг самарадорлигини ошириш учун, аввало, оммавий маънавий-маърифий ҳамда мазкур муаммога бағишланган телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни кўпайтириш, хайрия концерти ва томошаларни уюштиришни тақозо этади. Ўсмирлар ва ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга мўлжалланган дастурлар ишлаб чиқиш зарур.¹

Бинобарин, талаба ёшларнинг меҳнати, ўқиши, турмуши ва дам олишини мазмунли ўтказишда олий ўқув юртлари маъмуриятлари

¹ Туленова Г. Маънавиятли ёшлар-мамлакат келажаги. // Жамият ва бошқарув, 2005, 2-сон. - Б.31-33.

масъулиятини янада ошириш керак. Бу ишларга «Камолот» фаолларини ҳам кенг жалб қилиш, уларнинг ташкилотчилиқ, ташаббускорлик фаолиятини ҳар жиҳатдан ривожлантириш катта самара беради.

Моддий-иқтисодий асослар. Эски, собиқ иттифоқ давридаги иқтисодиёт янги мазмундаги тафаккурни, ёшларнинг янги дунёқарашини шакллантириш учун асос бўла олмас эди. Истиқлол йилларида бу соҳада ниҳоятда катта ўзгаришлар рўй берди, мулкчиликнинг хилма-хил шакллари вужудга келди. Ижтимоий плюрализм ва бозор муносабатлари унда бош йўналиш қилиб олинган бўлсада, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устувор жиҳат сифатида белгиланди. Ана шуларнинг барчаси мамлакатимизда маънавий бутун аҳоли, айниқса ёшларда тафаккур янгиланиши, улар фаоллигини ошириш борасида ҳам туб ўзгаришларнинг иқтисод билан боғлиқ асосларини яратиш имконини берди.

Ижтимоий-сиёсий асослар. Ёшлар тарбияси билан боғлиқ ўзгаришларнинг ижтимоий-сиёсий асослари мустаҳкам бўлиши зарурлиги тарихий тараққиёт жараёнида кўп бор исботланган ҳақиқатдир. Ҳар қандай жамият ва мамлакатда халқнинг турли қатламлари, партиялар, миллий-этник бирликлар ва бошқаларнинг ижтимоий онги, билиш мезонлари ва мўлжаллари ўзгармаса, пировард мақсадларни амалга ошириш қийин. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланган Ўзбекистонда янги мазмун ва шаклдаги ижтимоий-сиёсий тизим ҳамда тузилмалар вужудга келди. Уларнинг барчаси ёшлар, жумладан талабаларда янги тафаккур ва дунёқарашни шакллантиришнинг бу жабҳадаги асосларини яратиш имкониятини очди.

Маънавий асослар ёшлар камолотида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Одамларимиз, жамиятимиз мафқурасида Ватан, юрт ғояси устувор бўлмоғи керак. Миллий ғурур, миллий ифтихор ҳар қандай ишимизнинг пойдевори бўлмоғи керак.

Зеро, янги авлоднинг шаклланиши маънавий соҳадаги ўзгаришларнинг таркибий қисмидир. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар, халқ маънавиятининг юксалиши, асрлар давомида яратилган қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш, келажакка етказиш, умуминсоний меросдан баҳраманд бўлиш билан боғлиқ фаолиятлар катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, авваламбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир”.¹

Иккинчидан, ёшлар дунёқарашининг янгиланиши нафақат умумий маънавий муҳит, балки ҳар бир жамият аъзосининг ижтимоий қиёфаси, руҳий дунёси, мақсад ва эҳтиёжларининг ўзгариши ҳамдир

.Бугунги кунда собиқ иттифоқ даврида эътибор берилмаган социология, сиёсатшунослик, маданиятшунослик, психология каби фанлар жадал суръатда ривожланиб, ижтимоий фанлар тизимининг таркибий қисмига айланиб бормоқда. “Маънавият асослари” алоҳида ўқув фанига айланди, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”, “Миллий истиқлол ғояси” каби ўқув фанлари вужудга келди, Ўзбекистон Конституциясини ўрганиш бўйича ўқув дастурлари ва адабиётлар чоп этилмоқда. Диннинг дунёвий ва теологик масалаларини холисона талқинига асосланган “Диншунослик” фани шаклланди. Бугунги кунда ана шу фанлар бўйича ўқув дарсликлари ва қўшимча адабиётларни тайёрлаш, мавжудларини такомиллаштириш муҳим вазифага айланди.²

Учинчидан, талабалар дунёқарашининг янгиланиши инкор ва ворислик жараёни ҳамдир. Унда, бир томондан, халқимиз тафаккурида

¹ Каримов И.А. Хушёрликка даъват. // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. 8-ж. – Т.: Ўзбекистон, 2000. –Б. 23.

² Каримов И.А. Ёшларга ишонч билдириш, уларнинг ташаббус ва салоҳиятини рўёбга чиқариш-бугунги куннинг устувор вазифасидир. // Халқ сўзи, 2005, 28 декабрь

азалдан мавжуд бўлган, ҳатто собиқ мустабид тузум ҳам йўқота олмаган кадриятларнинг янада сайқаллашиб, сақланиб қолиши кузатилмоқда. Боболаримизнинг бу соҳадаги мероси тикланмоқда, уларга муносиб ёш авлод камол топмоқда.

Мамлакатимизда билим олиш, таълим-тарбия масалаларига алоҳида эътибор берилаётганини 1997 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва у асосида тайёрланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” яққол исботлайди.

Кўплаб олий ўқув юртларида ўқув жараёнидан ташқари тарбиянинг янги кўриниши бўлган «Ижтимоий касблар факультетлари» ташкил қилинди. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий касблар факультетларида «Соғлом турмуш тарзи» бўлимини очиш ҳозирги кун талабига жавоб беради. Чунончи, талаба ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишда спорт билан шуғулланиш, маъруза ва суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ўтказиш, медик олимлар, жамоат тартибини сақлаш ходимларининг қатнашиши катта аҳамиятга эга бўлади ҳамда талаба ёшларнинг ижтимоий, ижтимоий-сиёсий активлигини оширишга ёрдам беради.

Талаба ёшлар маънавияти шаклланиши ва такомиллашуви у ёки бу конкрет олий ўқув юртида таълим жараёнининг ва тарбиявий ишларнинг қандай ташкил қилинганлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунда ўқув юрти маъмурияти, “Камолот» ва қасаба ташкилотлари муҳим роль ўйнайди. Бундан ташқари кафедралар, ўқитувчилар ва талабалар гуруҳининг ҳам роли катта.

Олий ўқув юртларидаги тарбиячи ўқитувчиларнинг қобилияти, истеъдоди кўп жиҳатдан талабалар ахлоқига таъсир кўрсатади. Ўқитувчининг билимдонлиги, унда маърузачи ва тарбиячига хос қобилиятларнинг уйғунлиги, ўзига ва талабаларга бўлган талабчанлиги, одиллиги ҳам катта роль ўйнайди.

Умуминсоний қадриятлар ривожда миллий қадриятлар қанчалик муҳим аҳамият касб этса, ўз навбатида, умумбашарий қадриятларга таянмасдан туриб миллий қадриятлар, маънавият ҳам ривожлана олмайди. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам диалектик алоқадорлик асосида ривожланиб, такомиллашиб боради, бу эса талабаларга ўз таъсирини ўтказди. Шунинг учун Ўзбекистонда маънавий тараққиётнинг асосий мақсади ана шу анъаналарни қайта тиклаш, уларга янги мазмун бағишлаш, заминимизда тинчлик ва демократия, ўзаро ҳамкорлик, маданиятни ривожлантириш, шахсни, ёшларни камол топтиришдадир, чунки «миллий маданият ва қадриятларнинг мазмуни ва моҳиятини билиш, уларга эътиқод қўйиш, ёш авлодда инсонпарварлик ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиради, Ватан бахт-саодати ва миллий истиқлолимиз йўлида фидокорона меҳнат қилишга, комил инсон бўлиб вояга етишга ундайди¹.

Умуминсоний қадриятларни билмаслик ёки менсимаслик маданиятсизликдир. Уларни бойитиб, юксак даражага кўтаришга интилмаслик эса миллат ва унинг истиқболи учун катта зиёндир. Маънавияти юксак даражада ривожланган халқ, инсонгина юрт равнақи учун ўзида куч ва қудрат топади.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон илм, фан, маърифат, маданият ва санъат, таълим-тарбия борасида жаҳон андозаларига мос келувчи институтларни ташкил этди. Лицей ва гимназиялар, коллеж ва университетлар юзага келди. Мамлакатда олий универсал таълим тизимини шакллантиришга киришилди ва бу борада Америка Қўшма Штатларининг Кембриж шаҳридаги Гарвард, Стенфорд, Пристон, Буюк Британиянинг Оксфорд, Лид, Франциянинг Страсбург, Лион, Дижон, Гренобль шаҳар университетлари, Германиядаги Хайдельберг, Лейпциг, Росток, Гройсвальд,

¹ Каримов И. Истиқлол ва маънавият. - Т.: Маънавият, 2001. – Б. 168.

Фрайбург, Тюринген олий масканлари тажрибалари ўрганилиб, улар билан ижодий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди¹.

1994 йил 23 апрелда Республикамизда «Республика маънавият ва маърифат маркази» очилди. Кейинчалик ижодкор ёшларнинг «Истеъдод» хайрия жамғармаси, «Олтин мерос», «Камолот», «Умид» жамғармалари ташкил этилди. Ўзбекистонда матбуотни демократлаштириш фондининг ташкил этилгани эса фан, техника, илм соҳасида, информация алмашишда муҳим вазифаларни бажаришга ёрдам бермоқда.

Республикамиз маънавий тараққиёти жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда, илғор давлатлар эришган ютуқларни ўзлаштириш ва умуминсоний кадриятларни эгаллаш йўлидан бормоқда. Бу асло миллий анъаналарни, турмуш тарзини ва кадриятларини инкор этиш бўлмай, умумпланетар миқёсдаги интеграциянинг бир йўналишидир. Мазкур омиллар ёшлар маънавиятини шакллантирадиган асос вазифасини ўтайди.

Биринчи бобга оид хулосалар

Талаба ёшларнинг маънавий камолоти тараққиёт ўз ички моҳиятига кўра ижтимоий-тарихий ва маданий тажрибаларни янада ривожлантиришдир. У икки йўналишда ўз натижасига эришади. Биринчидан, мавжуд тарихий-маданий тажрибаларни тўплаш ва ўзлаштиришдир. Бу фаолият интрагуруҳий хусусиятга эга бўлиб, этноснинг ички тадрижий ривожланиш қонуниятларига асосланади. Этнос, халқ, миллат тўплаган диний, дунёвий, маърифий тажрибалар этномаданий хусусият касб этиб, маълум бир ҳудудда, маконда, шароитда яшаётган кишиларнинг ҳаётий кадриятларига айланади. Ўзга, ёт унсурлардан ўзини ҳимоя қилмасдан бирорта ҳам этномаданият мавжуд бўлолмайди. Тўғри, Марказий Осиё халқлари маданияти турли халқлар (юнон, араб ва б.) билан бўлган

¹ Қаранг: Иброҳимов А. ва б. Ватан туйғуси. - Б.374-375.

интеграциялар натижаси, аммо бу ўлкамиз халқларининг ўз маданиятига эга бўлганини инкор этмайди. Миллий қадриятлар, анъаналар, тажрибалар ҳам, ёшлар маънавиятига таъсир этадиган омиллар ҳам ана шу этник хусусиятлар маҳсулидир.

Иккинчидан, халқаро интеграция орқали ривожланади. Биз бу ўринда интеграцияни кенг маънода тушунамиз. Унга нафақат иқтисодий алоқалар, шу билан бирга, кенг ижтимоий, сиёсий, маданий ва маънавий алоқалар ҳам киради.

Бобнинг иккинчи мавзусида асосан ушбу интеграция, яъни умуминсоний жиҳатлар назарда тутилди ва ўрганилди.

Улар кўлами, маънавий ишлар нуқтаи назаридан:

- инсонни, унинг манфаатларини олий қадриятга айлантириш;
- шахс ҳуқуқлари ва эркини ҳимоя қилиш;
- тинчлик ва барқарорликни таъминлаш;
- кишиларнинг, халқларнинг иқтисодий фаоллигини қўллаб-қувватлаш;
- халқаро нотижорат ҳаракатларни кенгайтириш;
- янги педагогик технологияларни жорий этиш;
- халқаро информацион алоқаларни ўрнатиш;
- эътиқоди яқин миллатлар, кишиларнинг дўстона борди-келди анъаналарини қайта тиклаш;
- Ҳар бир миллат, халқ ва шахснинг эҳтиёжларига тўғри келадиган этнодемографик муносабатларнинг кенгайиши ва эркин кечиши учун зарур ижтимоий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш;
- илмий-ижодий соҳаларда ҳамкорлик қилиш;
- маънавий тараққиётга қарши кучларга курашиш учун ихтиёрий халқаро ҳамкорлик жамғармалари ва институтлари тузишни кенг қўллаб-қувватлашлардан иборатдир.

Булар эса ўз навбатида ёшлар ва талабалар маънавиятини белгиловчи омиллар бўлиб, уларга эътибор бериш бугуннинг долзарб вазифаларидан биридир.

II-БОБ. ТАЛАБА ЁШЛАРДА ҲАЁТИЙ МАҚСАДНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ёшларнинг ҳаётий мақсадини аниқ билиши ва у сари интилиш азалий муаммо бўлиб, бугунги кунда бу янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки айнан ёшлар ҳаётий мақсади ва унга эришиш учун ўз фаолиятларини аниқ билсагина келажакка қўйилган пойдевор мустаҳкам бўлиши мумкин. Зеро, мамлакатимизнинг, барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар келажак пойдеворини қўйишга қаратилган. Бугунги ёшларнинг вазифаси аجدодларимиз бошлаган, замондошларимиз эса жамиятнинг янгиланишига қаратилган фаолияти билан такомиллаштираётган обод ва озод ватан, фаровон ҳаётга эришиши учун мақсадли фаолиятни амалга оширишдан иборат. Шу боис ушбу бобда миллий қадриятлар ва ёшларда ҳаётий мақсадни шакллантириш ҳамда талаба ёшлар ҳаётий мақсадини билишга умуминсоний қадриятлар билан муштараклиги масалаларини таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

2.1. Миллий қадриятлар ва талаба ёшларда ҳаётий мақсадни шакллантириш масалалари

Ҳаёт мудом қарама-қаршиликларга, зиддиятларга тўла бўлган. Ушбу қарама-қаршилик ва зиддиятларга тўла бир кўринишдан иккинчи кўринишга, бир қадриятлардан иккинчи қадриятларга ўтаётганида кишиларни беихтиёр ўз кетидан эргаштириб кетади. Ўзбекистон Республикасининг эски коммунистик догма, турмуш тарзидан воз кечиб, шахс қадрини улуғловчи демократик жамиятга ўтаётгани, бозор муносабатларини ўз тараққиёт йўли қилиб белгилаб олгани ўзидан ўзи, ҳеч қандай зиддиятларсиз, тўқнашувларсиз, шахс онги ва турмушига акс таъсир этувчи омилларнинг фаоллашувисиз содир бўлмайди. Ички зиддиятлар мудом сақланиб қолади, улардан мутлақ халос бўлиш мумкин эмас. Бироқ уларни камайтириш, улардаги деструктив кучларнинг жамият устидан ҳукмронлик қилишига йўл

қўймаслик зарур, акс ҳолда қанча саъй-ҳаракатлар билан барпо этилган ва қарор топган инсоний қадриятлар йўқ қилиниши мумкин. Бунинг учун жамиятда демократик тартибларни, турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган қонунлар қабул қилиш етарли эмас, ҳар бир шахсда юксак мақсадлар билан яшаш кўникмасини шакллантириш ҳам зарурдир. Яшашдан мақсади нима эканлигини аниқ билган шахсгина жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга онгли муносабатда бўлади, ён-атрофга сергак нигоҳ билан қарайди, дуч келган фикр ва ғояларга эргашиб кетавермайди. Ўзининг ҳаётий мақсадларига эга бўлган кишигина, машҳур руҳшунос С.Л.Рубинштейн ибораси билан айтганда, «ҳаёт субъекти»¹ бўла олади. Шунинг учун биз ёшларда ҳаётий мақсадни шакллантириш, унга миллий ва умуминсоний қадриятларнинг таъсирини ошириш масалаларини ўрганишга ҳаракат қиламиз.

Ҳаёт, айниқса, инсон ҳаёти – олий қадриятдир. Унда ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятлар, ижобий-конструктив ҳодиса сифатида, уйғунлашиб келади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида (2-3-моддалар) ҳар бир киши, миллати, жинси, тили, дини, эътиқоди ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади². Демак, инсон ҳаёти, инсон шахсининг дахлсизлиги, унинг эрки жаҳон эътироф этган қадриятлардандир.

Ҳозирги замон ижтимоий, айниқса, фан ва техника тараққиёти инсон жисмоний ва маънавий қиёфасига, руҳияти ва профессионал малакасига таъсир этувчи омилларни бир бутун, яхлит ҳодиса сифатида ўрганишни талаб қилмоқда. «Афсуски,- деб ёзади А.Чориев, - ҳозирги замон фани тўплаган инсон тўғрисидаги маълумотлар жаҳон цивилизациясининг талабларига мутлақо жавоб бермайди.

¹ Қаранг: Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М.:Педагогика, 1996. – С.347.

² Қаранг: Права человека. Международный билль о правах человека. –Т.:Адолат, 1992. - С.10-11.

Умуминсоний кадриятлар, олдинги бобларда бир неча бор, у ёки бу тарзда, ифодада қайд этганимиздек, миллий кадриятларни ўз ичига олади, улардаги тараққийпарвар ёндашувларни қўллаб-қувватлайди. Демак, шахсинг ҳаётини мақсадида ҳам миллий ва умуминсоний кадриятлар ўз аксини топади. Ушбу назарий ёндашувдан келиб чиқиб биз талаба ёшлар ўртасида уларнинг: 1) миллий кадриятларга ва 2) умуминсоний кадриятларга ҳаётини мақсади нуқтаи назаридан қандай ёндашишини аниқлашга қаратилган савол-жавоблар ўтказдик.

«Ҳаётини мақсадинингизни белгилаб олишда қуйидаги миллий кадриятлардан қайси бири Сиз учун муҳим аҳамиятга эга?» деган саволимизга олган жавоблар қуйидагича тақсимланди.

№	Миллий кадриятлар (1 курс талабалари, % ҳисобида)	Бюджетда ўқиётган талабалар жавоби (220 кишидан)	Контрактда ўқиётган талабалар жавоби (229 кишидан)
1	Ота-она хоҳишларига бўйсунуш	74	81
2	Катталар маслаҳатини ҳисобга олиш	74	83
3	Ота-она турмуш тарзини, фаолиятини, касбини танлаш	61	83,5
4	Аждодлар ўғити, тажрибасига таяниш	42	61
5	Маҳалла, эл-юрт манфаатларидан келиб чиқиш	41	36
6	«Шахсий режаларим бор»	11,5	19,5

Олган жавобларимиздан маълум бўладики, бюджетда ўқиётган биринчи курс талабаларининг 74 % ҳаётини мақсадларини белгилаб олишда ота-оналарининг хоҳишларига бўйсунуш ва катталар маслаҳатига эргашиш зарур деб ҳисоблайдилар. Контрактда ўқиётган талабаларнинг жавоби анча юқори, яъни 81 ва 83 фоизларни ташкил этади. Контрактда ўқиётган талабалар ўзларининг ота-оналари ёрдамига муҳтож эканликларини бюджетдаги талабалардан кўпроқ ҳис қиладилар. Бироқ уларнинг ҳар иккала

гуруҳи ҳам ўз ҳаётий мақсадини рўёбга чиқаришини ота-оналари ва катталарнинг ёрдамисиз тасаввур қила олмайдилар.

Бу кўрсаткичлар қишлоқ ёшлари билан шаҳар ёшлари ўртасида ҳам фарқ қилади.

№	Миллий қадриятлар (1 курс талабалари, % ҳисобида)	Қишлоқ ёшлари жавоби (202 кишидан)	Шаҳар ёшлари жавоби (247 кишидан)
1	Ота-она хоҳишларига бўйсунуш	78,5	71,5
2	Катталар маслаҳатига қулоқ солиш	59	41
3	Ота-она турмуш тарзини, фаолиятини, касбини танлаш	61	39
4	Аждодлар ўғити, тажрибасига таяниш	47	63
5	Маҳалла, эл-юрт манфаатларидан келиб чиқиш	46	54
6	«Шахсий режаларим бор»	24	44

Ўз ҳаётий мақсадини белгилаб олишда қишлоқ ёшларининг 78,5 ва 59 фоизи ота-она, катталарнинг ёрдамига, маслаҳатларига таянадилар. Шаҳар ёшларида бу кўрсаткичлар 71,5 ва 41 фоизни ташкил этади.

Ота-она турмуш тарзи, фаолияти, касби фарзандларнинг ҳаётий мақсадига таъсир қилади. Қишлоқ ёшларида бу таъсир 61 фоиз, шаҳар ёшларида 39 фоиздир. Биз интервью олган ва талабаларнинг у ёки бу саволларга берган жавобларини текширганимизда қишлоқ ёшларида касб-кор ҳақидаги тасаввурлар жуда чекланганини кузатдик. Улар узоғи билан 12 тани ташкил этади. Ваҳоланки, ҳар йили дунёда 500 дан зиёд янги-янги касб-кор турлари пайдо бўлади.

Аждодлар ўғитини, панд-насихати ва маслаҳатларини ҳисобга олиш бир оз бошқачароқ кўрсаткич берган. Шаҳар ёшларида у 53, қишлоқ ёшларида 47 фоизни ташкил этган. Бизнинг фикримизча, бу ўринда халқимизнинг тарихий-маданий меросини, ўтган аждодларимизнинг асарларини тарғиб қилиш шаҳарларда кенгроқ эканлиги кўзга ташланади. Оммавий-маданий ва ижтимоий-тарбиявий муассасаларнинг кўпчилиги, тарғибот ўчоқларининг асосан шаҳар ва шаҳарга яқин туман марказларида жойлашгани ҳам таъсир қилган. Шу боисдан шаҳар ёшларининг қишлоқдаги тенгдошларидан информациялардан хабардорлик даражаси юқоридир.

Биз Сирдарё вилоятидаги «Маънавият ва маърифат» марказлари, оммавий-маданий тарбия муассасалари – маданият саройлари ва уйлари, кутубхоналар, болалар ижод марказлари фаолиятини махсус кузатиб, улардаги асосий тадбирлар тарихий-маданий анъаналарни қайта тиклаш, буюк аждодларимиз меросини тарғиб қилиш бош ўринда турганини аниқладик. Масалан, Гулистон шаҳар Маънавият саройи 2000 йилда миллий кадриятлар ва урф-одатларни тарғиб қилишга оид 182 та, 2001 йилда 186 та, 2003 йилда эса 216 та тадбирлар уюштирган. Улардан буюк аждодларимиз ҳаёти ва ижодига оид тадбирлар умумий тадбирларнинг 35-40 % ташкил этади. Бироқ туман ва қишлоқлардаги оммавий-маданий муассасалар фаолиятида ушбу тадбирлар икки-уч марта камдир. Бу ўринда қишлоқ маданият ўчоқларининг моддий-техника базасининг заифлиги, мутахассисларнинг етмаслиги, қишлоқ жойларига информацияларнинг етарли даражада етиб бормаслиги кўзга ташланади. Бугун Сирдарё вилояти маданият муассасаларининг мутахассислар билан таъминланиш даражаси – 4 % атрофидадир. Албатта, ушбу омиллар тадбирлар савиясига таъсир этмай қолмайди.

Миллий кадриятларга содиқлик – миллий ғоянинг таянчидир. Ёшларда миллий кадриятларга ҳурмат ва уларни бойитиш кўникмаларини, истагини шакллантириш тарбия, маданият, маърифат ўчоқларининг бугун диққат

марказида тургани ижобий ҳолдир. Бироқ ушбу миллий-маданий меросни, кадриятларни ёшлар онги, руҳи, ҳиссий олами ва ҳаётий мақсадига таъсир этувчи тадбирларга айлантириш ҳали замон талаблари даражасида эмас. Тўғри, респондентларимизда миллий кадриятларга, тарихий-маданий меросга қизиқиш катта, улар ўзининг ҳаётий мақсадини маҳалла, эл-юрт ташвишлари билан боғлашга, ўз кучини миллий истиқлолга сарфлашга тайёр. Уларда ўз ватани, унинг тарихи, буюк аجدодлари қолдирган мерос билан фахрланиш юқори даражада экани сезилади. Шу билан бирга, айниқса, шаҳар ёшларида (76 %) шахсий режалар борлиги, ўз ҳаётини ноанъанавий тушунчалар, тасаввурлар орқали ташкил этишга интилиш ҳам мавжуд.

Шу ўринда «шахсий режаларим бор» деган жавобга изоҳ бериб ўтиш зарур.

Шахс ўз индивидуал хусусиятларини ва манфаатларини унутмаган ҳолда ҳар қандай саволга, айниқса, унинг субъектив фикрини билишга интилган тадқиқотчига нисбатан, ўзининг ҳаётий мақсадларидан келиб чиқиб жавоб беради. Мутлақ ижтимоий манфаатлар билан яшовчи шахсининг ҳам ёки мутлақ шахсий манфаатларини кўзловчи кишининг борлигини ҳам тасаввур қилиш қийин. Лекин юқоридаги жавоб респондентларда ўзининг шахсий манфаатлари, режалари ҳақида аниқ бир тасаввурлар мавжуд эканини кўрсатади. «Инсон муаммоси, - деб ёзади Н.А.Бердяев, - фалсафанинг асосий муаммосидир. Юнонлар инсон фикрлашни ўзидан бошлашини яхши билганлар... Одам дунёнинг бўлакланган қисми эмас, унда дунёнинг бутун сирини ва бу сирини ечиш йўллари мавжуд. Шунинг учун одам, билиш предмети, худди шунингдек, билувчи сифатида, нафақат гносеологик, шу билан бирга, антропологик аҳамиятга ҳам эгадир»¹. Шунинг учун юқоридаги жавобда ёшларнинг ўзини, тўғрироғи, ўзининг ҳаётий режаларини ҳаётий мақсади сифатида кўрсатиши яққол кўзга ташланади. Уларнинг антропологик тушунчалари ўзларининг «Мен»идадир.

¹ Бердяев Н.А. О назначении человека.// Мир философии: Книга для чтения. – М.: Политиздат, 1989. – С.44.

«Ҳаётий мақсадим шахсий режаларимни рўёбга чиқаришга қаратилган» деб шахар ёшларининг 44 %, қишлоқ ёшларининг 24 % жавоб беради. Шаҳар ёшларида ўзининг имкониятларини тўлароқ намоён қилиш, умрида бирорта нарсаларни яратиш, бошқаларникидан фарқ қилувчи шахсий ҳаётий режаларга эга бўлиш қишлоқдаги тенгдошлариникидан деярли икки марта юқориқдир. 32 % ёшлар жавоб бермаган.

Бюджетда ўқиётган респондентларнинг 11,5 фоизигина «Шахсий режаларим бор» деб жавоб берса, бу кўрсаткич контрактда ўқиётган ёшларда 19,5 фоизни ташкил этади. Биринчи гуруҳдаги ёшларда ҳам, иккинчи гуруҳдаги ёшларда ҳам ҳаётий мақсадлар ва режалар ҳали тўла белгилаб олинмаган. Тўғри, шаҳар ёшларида мустақил фикрлашга, ўз режаларини рўёбга чиқаришга интилиш юқори, бироқ уларда ҳам ҳаётий тажриба ҳали юқори эмас. Айниқса, юқоридаги рақамларни 4-курс талабалари билан таққослаганда бу ҳол яққол кўзга ташланади.

№	Миллий қадриятлар (4 курс талабалари, % ҳисобида)	Бюджетда ўқиётган талабалар жавоби (221 кишидан)	Контрактда ўқиётган талабалар жавоби (223 кишидан)
1	Ота-она хоҳишларига бўйсунуш	41	50,5
2	Катталар маслаҳатини ҳисобга олиш	47	48
3	Ота-она турмуш тарзини, фаолиятини, касбини танлаш	50	49
4	Аждодлар ўғити, тажрибасига таяниш	21,5	20
5	Маҳалла, эл-юрт манфаатларидан келиб чиқиш	19,5	19
6	«Шахсий режаларим бор»	48,5	62,5

Биринчи курс талабаларига берилган савол айнан тўртинчи курс талабаларига ҳам берилди. Талабалар сони иложи борича бир-бирига яқинлаштирилди.

Тўртинчи курсга келиб ҳаётий мақсадларни белгилаб олишда ўзгаришлар содир бўлиши кузатилади. Агар биринчи саволга биринчи курс талабаларидан олинган жавоблар 74 % ва 81 % ни ташкил этган бўлса, тўртинчи курс талабаларида улар 41 % ва 50,5 % га тушиб қолган. Иккинчи саволга олган жавоблар натижалари биринчи курсларда 74 % ва 83 % ни, тўртинчи курсларда эса 47 % ва 48 % ни ташкил этади.

Кўриниб турибдики, талабалар катта бўлган сайин мустақил яшашга, ўзининг ҳаётий мақсадларини белгилаб олишга анъанавий ёндашишлардан узоқлаша бошлайдилар. Бундай ҳолларни қолган саволларга олган жавобларда ҳам кузатамиз. Қизиқарли ҳол шундаки, «Шахсий режаларим бор» деган жавоб кўрсаткичи бюджетда ўқиётган тўртинчи курс талабаларида 4 мартадан, контрактда ўқиётган талабаларда 3,5 мартадан зиёдроқ кўрсаткич беради. Демак, талаба ёшлар юқори курсларга боргач, ҳаётий мақсадларини белгилаб олишда кўпроқ ўз хоҳиш ва интилишларидан келиб чиқадилар.

Энди юқоридаги саволга олинган жавобларни шаҳар ва қишлоқ ёшлари ўртасида тақсимлаганини кузатайлик.

№	Миллий қадриятлар (4 курс талабалари, % ҳисобида)	Қишлоқ ёшлари жавоби (211 кишидан)	Шаҳар ёшлари жавоби (225 кишидан)
1	Ота-она хоҳишларига бўйсунуш	46,5	51,5
2	Катталар маслаҳатига қулоқ солиш	42	40
3	Ота-она турмуш тарзини, фаолиятини, касбини танлаш	47	36,5
4	Аждодлар ўғити,	10,5	12

	тажрибасига таяниш		
5	Маҳалла, эл-юрт манфаатларидан келиб чиқиш	12,5	19,5
6	«Шахсий режаларим бор»	40,5	59,5

Жавоблардан кўриниб турибдики, қишлоқ ёшларида ҳам, шаҳар ёшларида ҳам ота-оналар хоҳишларига, катталар маслаҳатига, уларнинг турмуш тарзига, меҳнат фаолиятига тақлид қилиш, биринчи курсларникидан камайган бўлса-да, ҳали юқори. Қишлоқ ёшларида у 46,5 %, 42 % ва 47 % ни, шаҳар ёшларида 51,5 %, 40 % ва 36,5 % ни ташкил этади. Ушбу рақамлардаги фарқларни аниқроқ тасаввур қилиш учун қишлоқ ва шаҳар ёшларининг жавобларини ёнма-ён ифода этиш мақсадга мувофиқдир. Шу тарзда жавобларни қиёслаш мумкин.

№	Миллий кадриятлар (4 курс талабалари, % ҳисобида)	Қишлоқ ёшларининг жавоблари		Фарқи	Шаҳар ёшларининг жавоблари		Фарқи
		1 курс талабалари	4 курс талабалари		1 курс талабалари	4 курс талабалари	
1	Ота-она хоҳишларига бўйсунуш	58,5	46,5	-12	41,5	51,5	10
2	Катталар маслаҳатига қулоқ солиш	59	42	-17	41	40	-1
3	Ота-она турмуш тарзини, фаолиятини, касбини танлаш	61	47	-14	39	36,5	-3,5
4	Аждодлар ўғити, тажрибасига таяниш	47	10,5	-36,5	53	12	-41
5	Маҳалла, эл-юрт манфаатларидан келиб чиқиш	46	12,5	-33,5	54	19,5	-34,5
6	«Шахсий режаларим бор»	24	40,5	16,5	44	59,5	15,5

Қишлоқ ёшларида ўз ҳаётий мақсадларини мустақил белгилаб олиш ва уларни аниқ тасаввур этиш биринчи курсдаги 24 % дан тўртинчи курсда 40,5 % га кўтарилган. Фарқ 16,5 % ни ташкил этади. Бу кўрсаткич ҳатто шаҳар ёшлариникидан бир фоизга юқори. Умумий ҳолати нуқтаи назаридан эса ўз ҳаётий мақсадларини мустақил белгилаб олиш ва уларни тўлароқ идрок этиш шаҳар ёшларида юқори кўрсаткич беради.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий фикрни ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази томонидан 2002 йили ўтказилган социологик тадқиқотлари ҳам мавзумизга оиддир. Ушбу кузатув натижаларига кўра респондентларнинг 86,8 % ўзининг ҳаётий мақсадлари ва режаларига эга эканлигини қайд этадилар. Уларнинг 8,7 % жавоб беришга қийналган, 4,7 % эса «ҳаётий режаларим йўқ» деб жавоб берган. Қишлоқ ёшларида ҳаётий мақсадга эга бўлиш 87,6 % ни, шаҳар ёшларида эса 85,3 % ни ташкил этади¹. Демак, «Ижтимоий фикр» маркази йиққан маълумотларда шаҳар ёшларидан кўра, қишлоқ ёшлари ўз ҳаётий мақсадларини аниқроқ ва тезроқ аниқлаб олишган. Биз йиққан маълумотлар эса тескари кўрсаткичлар беради. Бу борада бизнинг фикрларимиз қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, «Ижтимоий фикр» маркази бутун республика вилоятлари бўйича 1971 киши ўртасида социологик сўровнома ўтказган. Аммо ёшларнинг 7,7 % тўлиқ олий ва 5,5 % тўлиқ бўлмаган олий маълумотлидир. Бизда эса ёшларнинг барчаси, яъни 100 % ҳам ушбу катламга тааллуқлидир.

Иккинчидан, «Ижтимоий фикр» марказининг респондентлари турли миллат вакилларидир. Улар ичида ўзбеклар 77,9 % ни, қорақалпоқлар – 4,3 %, тожиклар – 5,0 %, қозоқлар – 3,3 %, руслар – 4,1 % ва бошқа миллат вакиллари 5,4 % ни ташкил этади. Бизнинг респондентларимиз ичида ўзбеклар 97,5 % ни, қозоқлар – 1,5 % ни ва қолган 1 % ни бошқа миллат фарзандлари ташкил этади. Миллий белгилар, айниқса, турмуш тарзи,

¹ Қаранг: Аналитический доклад по результатам социологического исследования по теме: «Молодёжь Узбекистана: социальная активность, нравственность и планы на будущее».- Т.:2002. – С.15. /Центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» (УзЦИОМ).

оилавий муҳит, тарихий-маданий анъаналар ёшларнинг дунёқараши ва ҳаётий мақсадларига таъсир этмай қолмайди. Бир миллатга, этник гуруҳга оид вакиллар ўртасида яқинлик кўп бўлади ва уларнинг ҳаётий мақсадини белгилаб олишида ҳам умумийлик, барқарор белгилар мавжудлиги яққол кўзга ташланади. Бизнинг мисолимизда бу умумийлик ва барқарор белгилар талаба ёшларнинг миллий анъанавий ҳаёт тарзига эргашишга мойиллигида намоён бўлади.

Учинчидан, «Ижтимоий фикр» маркази маълумотларига кўра, сўралган респондентларнинг 2001 йили 7,9 % ва 2002 йили 13,1 % ўз ҳаётий мақсадларини рўёбга чиқаришга ота-оналари, қариндошлари ва танишлари ёрдамидан фойдаланажакларини айтишган¹. Бизда эса бу кўрсаткичлар биринчи, энг юқори ўринда туради. Худди шунингдек, «Ижтимоий фикр» маркази маълумотларида ёшларнинг ўз кучига, билимига, имкониятларига ишониш биринчи ўринда турса, бизда эса «шахсий режаларим бор» биринчи курс талабаларида энг охириги ўринда, тўртинчи курс талабаларида эса энг юқори ўринлардан бирига кўтарилади. Минг афсуски, «Ижтимоий фикр» қайси курс талабалари ўртасида социологик сўровлар ўтказганини кўрсатмаган. Аммо бир нарса аниқ, биринчи курс талабаси ҳали ота-онасининг маслаҳатлари, кўрсатмалари ва ёрдамларига таянишни «қонуний» ҳол деб билади. Масалан, биринчи курс талабаларининг ота-онаси олдига бориб ва улардан пул-ёрдам олиб туриши тўртинчи курс талабалариникидан 5-6 марта тез-тез содир бўлишини кузатамиз. Биринчи курс талабалари олдига ота-оналарининг келиб туриши ҳам тўртинчи курс талабалариникидан 3-4 марта тез-тез рўй беради. Ётоқхоналарда яшовчи талабаларнинг тенгқурлари билан бирга яшашга интилишда ҳам маълум фарқлар бор. Биринчи курс талабалари руҳий-маънавий дуч келган тенгқури билан яшашга тайёр бўлмаса-да, ётоқхона коменданти белгилаган хонада ва дуч

¹ Қаранг: Аналитический доклад по результатам социологического исследования по теме: «Молодёжь Узбекистана: социальная активность, нравственность и планы на будущее».- Т.:2002. –С.15. / Центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» (УзЦИОМ).

келган тенгқурлари билан яшашга жиддий қаршилик кўрсатмайди, аммо тўртинчи курс талабалари ким билан ва қайси хонада истиқомат қилиш ҳақида аниқ тасаввурларга эга. Ҳатто улар бу талабларини очик ҳимоя қиладилар ҳам.

Тўртинчидан, биз «Ижтимоий фикр» маркази маълумотларининг тўғрилигига шубҳа уйғотмоқчи эмасмиз. Бизнинг сўровномамиздаги баъзи саволлар марказ жавобларига яқин. Аммо марказ респондентлари турли ёшда (14-30), турли ижтимоий қатламга, миллатга, тарихий-маданий муҳитга, билимга ва ҳаётий тажрибага эгадир. Бизнинг респондентлар эса 16-22 ёшда бўлиб, уларнинг миллий-этнографик ва тарихий-маданий белгилари деярли айнандир. Шунинг учун ушбу хусусият ва белгилар уларда миллий кадриятларга таянишни юқори кўрсаткич даражасига кўтарган.

Биринчи курс талаба ёшларнинг 46 %ни, тўртинчи курс талаба ёшларнинг 29 % ни қизлар ташкил этади. Бу ҳол талаба ёшлар ўртасидаги ҳаётий мақсадга бўлган муносабатларни янада чуқурроқ таҳлил қилишга ундайди.

«Ҳаётий мақсадингизни белгилаб олишда қуйидаги миллий кадриятлардан қайси бирига эргашиш зарур деб биласиз?» деган барчага аталган саволимизга талаба-қизларнинг жавоблари қуйидаги кўрсаткичлар берди.

№	Миллий кадриятлар (1 курс талабалари, % ҳисобида)	Бюджетда ўқиётган талабалар жавоби (142 кишидан)	Контрактда ўқиётган талабалар жавоби (73 кишидан)
1	Ота-она хоҳишларига бўйсунуш	81,5	98,5
2	Катталар маслаҳатига қулоқ солиш	80,5	98

3	Ота-она турмуш тарзини, фаолиятини, касбини танлаш	48,5	32,5
4	Аждодлар ўгити, тажрибасига таяниш	48	21
5	Маҳалла, манфаатларидан эл-юрт келиб чиқиш	11,5	8,5
6	«Шахсий режаларим бор»	9,5	9

Талаба-қизларнинг жавоблари олдинги умумий жавоблардан фарк қилади. Тўғри, 1-ва 2-кўрсаткичлар аввалгидек юқори, яъни талаба - қизлар ўз ҳаётий мақсадлари ота-оналарининг хоҳиш-иродалари ва ёрдамларига бевосита боғлиқ эканини жуда яхши биладилар. Контрактда ўқиётган талаба-қизларнинг деярли барчаси ўз ҳаётий мақсадини ота-онаси, катталарнинг маслаҳати билан боғлайди. Бироқ уларнинг бюджетдаги 48,5 % ва контрактдаги 32,5 % гина ота-оналари танлаган касбни ўзига маъқул кўрадилар, қолган 51,5 % ва 67,5 % бошқача турмуш тарзини, касбни танлашга мойилдирлар. Энг қизиғи шундаки, уларда «шахсий режалар» энг паст кўрсаткич беради.

Шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, талаба-қизлар ўқишга меҳри, тиришқоқлиги, тартибчанлиги, дарсларга муносабатининг юқорилиги билан талаба-йигитлардан ажралиб турадилар.

2.2. Талаба ёшлар маънавиятига ҳаётӣ мақсад ва умуминсонӣ қадриятларнинг диалектик таъсири

Шахснинг “ҳаёт субъекти”га айланиши осон эмас. Бироқ шахсларнинг ижод соҳасида яратган дурдоналарини таҳлил қилиб С.Л.Рубинштейн хайрат билан, ушбу дурдона ижодкор ҳаётининг чўққиси бўлса-да, у ҳаётнинг маълум бир онидир, ҳаётнинг қолган пайтлари “ҳеч қандай эътиборсиз, паст даражада кечади”, - деб ёзади. Демак, ҳаёт, ҳатто инсоният учун идеал бўлган шахслар мисолида ҳам, керакли савияда, керакли маҳсулдорликда ва маънавий даражада кечавермайди, ҳаёт билан идеал ўртасидаги қарама-қаршилик инсон учун ҳаётни, яшашни муаммога айлантиради. Инсон “ҳаёт субъекти” бўлиши учун ушбу қарама-қаршиликни у позитив ҳал этиши, яъни “ҳаётни яратиш ва қуришга” ўтиши лозим.

Шахснинг “ҳаёт субъекти”га айланиши, энг аввало, унинг ҳаётӣ мақсадида ўз аксини топади. Биз ушбу мавзуда умуминсонӣ қадриятларнинг ҳаётӣ мақсадда ўз аксини топиши ва уларнинг уйғунлашган ҳолда талаба ёшлар маънавиятига таъсири масалаларини очиб берамиз. Талаба ёшлар ўртасида ўтказган социологик сўровномамиз мавзу йўналишларини ва ундаги муаммоларни чуқурроқ ўрганишга қаратилган.

Ижтимоӣ-фалсафӣ ва психологик адабиётларда шахс ҳаётини бири-бирига диалектик боғлиқ жараёнлар – болалик (гўдаклик), ёшлик, етуклик ва қариликка бўлиб ўрганиш кенг тарқалган. Ушбу жараёнларни таҳлил қилган ва уларга хос хусусиятларни аниқлаган Б.Г.Ананьев ҳар бир ҳаётӣ босқич маълум бир қадриятларни ҳаётӣ мақсад қилиб қўйишини таъкидлайди. У ёшларда таълим ва илм олиш, мулоқот асосӣ қадриятлар сифатида келишини ва улар ҳаётӣ мақсадини ушбу қадриятлар орқали белгилашини асослайди Б.Г.Ананьев кўрсатган қадриятлар ижтимоӣ-маданий характерга эга ҳодисалардир. Улар мавзуимиз доирасида умуминсонӣ қадриятлар билан уйғунлашиб қарашни тақозо этади.

Савол-жавоб варағига бир-бирини тақозо этиб ва тўлдириб келувчи махсус тўртта савол киритилди. Биринчи савол талаба ёшларнинг ўқишни битиргач ўзлари тасаввур қилаётган ёки режалаштираётган ҳаётий мақсадини аниқлашга, иккинчи савол уларнинг оилавий ҳаёт қуришга, учинчи савол эса умуминсоний кадриятларни шакллантириш учун қайси усуллар, воситалардан кўпроқ фойдаланиш зарурлигини аниқлашга қаратилди.

Улар учун олий ўқув даргоҳи бир мўътабар жой. Унда эгаллаган билимлар кишининг умри охиригача ёрдам беради. Шу боисдан ҳам биринчи курс талабалари университетнинг деярли барча ижтимоий тадбирларида фаол иштирок этадилар. Уларда ички тартибларга бўйсуниб, дарсларда фаол иштирок этиб, ўқитувчи-домлалар билан савол-жавобга киришиш даражаси ҳам юқори. Бироқ 4-курсга бориб талабалардаги фаоллик сусайганини кузатамиз. Респондент – 4-курс талабаларининг 30,5 % гина ўз касби бўйича ишлаши аниқлигини маълум қилади, холос. Бизнинг фикримизча, талабалар ўртасида ўқитувчилик каби мавқеининг пасайишига қуйидагилар таъсир қилган.

Биринчидан, ўқитувчи маошининг ўта пастлиги. Масалан, махсус статистик маълумотларга қараганда, 1992 йили умумий таълимга бюджетнинг 10,2 % сарфланган бўлса, у 1998 йили 7,3 % га тушиб қолган¹. Сирдарё ва Жиззах вилоятидаги ўрта таълим мактабларининг деярли 85 % қишлоқларга тўғри келади. Қишлоқлар инфраструктурасининг пастлиги, уларнинг ижтимоий-маданий нуқтаи-назаридан шаҳарлардан орқада қолиб келаётгани таълим-тарбия соҳасига ҳамда ўқитувчилик касбига салбий муносабатларни туғдирмоқда.

Иккинчидан, бугун ёшлар онгида, тасаввурларида кўпроқ пул ишлаб топиш ҳақида фикрлар чуқурроқ ўрнашиб қолмоқда. Натижада билимга бўлган қизиқиш сезиларли даражада пасайди.

¹ Қаранг: Узбекистан. Доклад о человеческом развитии. 1999. – Т.: Узбекистан, 2000. - С.86

Учинчидан, Ўзбекистонда янги таълим тизимининг жорий этилиши ўқув юртларида ўтиладиган дасрлар қайта кўриб чиқишни, янги-янги йўналишлар яратилишини тақозо этмоқда. Бу зудлик билан амалга ошириладиган, ўқитувчи-профессорлар онгини, кўникмаларини шу заҳоти ўзгартирадиган осон жараён эмас. Ўқув қўлланмаларини, дарсликларни, методик тавсияномаларни яратиш узоқ изланишларни тақозо этади.

Тўртинчидан, бугун Ўзбекистон Республикаси Миллий таълим дастурига муносиб ўқитувчи моделини, ҳозирги ўқув юртларидаги бўлғуси ўқитувчилар учун намуна бўладиган ўқитувчи портретини яратиш зарур. Ёшлар идеалларга, намуналарга эргашишини унутиб бўлмайди. Ана шу тақдирдагина ўқитувчилик касби мавқеини керакли савияга кўтариш мумкин.

Биринчи курс талабаларининг 2 % ўқишни яна давом эттириш нияти борлигини билдирган. Бунга турли сабаблар бор. Талаба ё танлаган касбини ўз ҳаётий мақсадларига етиш учун ҳали етарли эмас ёки ўзини адашиб кирган ҳисоблайди. Баъзан эса талабанинг ўқиш жараёнида фикри ўзгаради, у бошқа ўқув юртини ҳам битказишни мақсад қилиб қўяди. Қизиги шундаки, юқори курсга борганида яна ўқишни давом эттирмоқчи бўлганлар сони (8,5%) кўпаяди. Бу ўринда республикамизда очилаётган янги ўқув даргоҳларининг таъсири ҳам йўқ эмас, албатта. Масалан, яккама-якка суҳбат, интервью пайтларида кўпчилик талаба ёшлар жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Вестминстер университети, Ички ишлар Академияси, Юридик институт ёки юридик факультетларда, Молия ва Халқ хўжалиги ўқув юртларида ўқишни давом эттириш ниятида эканлигини билдирадилар. Улар ичида АҚШ, Англия, Германия мамлакатлари университетларига киришга тайёрланаётганлари ҳам бор.

Олтинчидан, вилоятдаги халқ таълими ва мактабгача тарбия муассасалари фаолиятини тубдан яхшилаш давр талабидир. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримов Сирдарё вилоятидаги маърузасида алоҳида таъкидлайди: "...Халқ таълими ва мактабгача тарбия муассасалари ишидаги

жиддий камчиликлар бартараф этилмаётир, мактаб, ҳунар-техника билим юртлари ва мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия бериш шу тизимга қўйилган талабларга жавоб бермайди. Ўқитиш ҳамон эскича. Умумий таълим мактабларида 100 дан ортиқ фан ўқитувчилари етишмайди”¹.

Еттинчидан, талаба ёшларда билим олишга, тадқиқотлар олиб боришга қизиқиш бутунлай сўнган эмас. Учинчи жавоб натижалари ҳам бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Агар биринчи курс талабаларининг 2% келгусида илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланишни мўлжаллаб қўйган бўлса, бу кўрсаткич тўртинчи курс талабаларида 4 % га кўтарилади. Демак, университетда олиб борилаётган ўқув-тарбиявий жараёнлар, ўқитувчи-профессорларнинг тадқиқотлари талабаларнинг ҳаётий мақсадига ҳам таъсир этган, уларда илмий тадқиқот ишларига қизиқиш уйғотган. Тўғри, бу қизиқиш ҳали юқори даражада эмас, аммо, агар илмий-тарбиявий жараён мақсадли йўлга қўйилса, талабалар ичида тадқиқотлар олиб боришга қизиқиш яна ошиши мумкин.

Талаба ёшлар ичида бизнес билан шуғулланиш иштиёқи деярли биринчи ўринда туради. Тўғри, биринчи курс талабаларининг ҳали 14% бизнес билан шуғулланишни мўлжаллаб қўйган бўлса, 4 курс талабаларида бу кўрсаткич 36 % га кўтарилади. Ҳатто бу кўрсаткич “ўз касбим бўйича ишлайман” (30%) дан ҳам юқори. Демак, талаба ёшлар ҳаётий мақсадлари моддий таъминот билан боғлиқлигини, пул ишлаб топиш энг муҳим фаолият эканини жуда яхши англайдилар.

Респондентларнинг жавобларидан маълум бўладики, биринчи курс талабаларининг 1 % ўзини ижтимоий-сиёсий фаолият билан шуғулланиши мумкинлигини билдирса, тўртинчи курс талабаларида у кўрсаткич 4 % ни ташкил этади. Ўқув юрти муҳити, унда ўтиладиган ижтимоий, фалсафий ва сиёсий фанлар талабаларнинг онгида маълум бир ўзгаришлар пайдо қилади.

¹ Каримов И.А. Ватан, эл манфаати – муқаддасдир. / Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.: 2. – Т.:Ўзбекистон, 1996.-Б.63.

Университетда улар сиёсий тизимлар, айниқса, сиёсий партиялар ҳақида аниқ маълумотларга эга бўладилар, бу эса уларда сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиш иштиёқини уйғотади.

“Чет элларда ишлаб келиш ниятим бор” деган жавоб ҳар иккала гуруҳреспондентлар жавобларида 4-ўринни олади. Республикамизда иқтидорли талаба ёшларнинг чет мамлакатларда таълим олиб келаётгани, билимли ёш мутахассиларнинг чет эллардан тажриба орттириб, ишлаб, ўз касби бўйича жаҳон андозаларига мос келувчи кўникмаларга эга бўлиб қайтаётгани респондентлар жавобларига таъсир этган.

Ҳозирги кунда Гулистон давлат университети АҚШ, Германия, Жанубий Корея ва Япония олий ўқув юртлари билан илмий-ижодий ҳамкорлик ўрнатган, улар билан тажриба алмашишни йўлга қўйган.

Биринчи курс талабаларида бадиий ижодга қизиқиш катта. Сўровномада қатнашганларнинг 8 % бадиий ижод билан шуғулланишни “хаётий мақсадим” деб режалаштирган. Минг афсуски, бу кўрсаткич тўртинчи курс талабаларида 2 % ни ташкил этади, холос. 5,5 % биринчи курс талабалари университетни битиргач нима билан шуғулланишини ҳали аниқ тасаввур қила олмайди. Респондентлар деҳқончиликда, ишлаб чиқариш

Берилган жавоблар ичида “Ўз касбим бўйича ишлайман” деган жавоб биринчи ўринда туради. Агар биринчи курсдаги респондентларнинг деярли учдан бир қисми ўз касби бўйича ишлашни мўлжаллаётган бўлса, тўртинчи курсда у кўрсаткич олтидан бир қисмга тушиб қолади. Аслида бу кўрсаткичлар юқори эмас ва таълим-тарбия муассасаларига ёшларнинг кириб келишига сезиларли таъсир кўрсатмайди.

Талаба-қизларнинг ўз касби бўйича ишлашни мўлжаллагани улар онгидаги таълим-тарбия аёлларга мос иш деган қарашнинг таъсиридан ҳамдир. Шу билан бирга, улар қишлоқ жойларида иш жойининг камлигини, ўқитувчилик оғир қўл меҳнатидан халос қилишини ҳам аниқ тасаввур этадилар. Оила қуриш, инсоният давомийлигини таъминлаш, ижтимоий

тараққиётга, демократик ўзгаришларга хизмат қилувчи фарзандлар тарбиялаб вояга етказиш азалий, умуминсоний вазифалардан биридир.

“Уйланишнинг кўп қийинчиликлари ва заҳматлари бор, - деб ёзади Фитрат. – Одамларнинг табиатига эса роҳат ёқади. Агар одамнинг ихтиёри ўз кўлида бўлса эди, бўйдоқлик роҳати ва озодлигини уйланиш азоби ва меҳнатига асло қурбон қилмасди”¹. Фитрат қаерда оила, оилавий муносабатлар, фарзанд тарбияси етук йўлга қўйилса, мамлакат, миллат ҳам муаззам бўлади, деб ҳисоблаган².

Навбатдаги саволимиз қуйидагича ифодаланган. “Оила қураётганда келин (куёв) нинг қайси фазилатларини кўпроқ ҳисобга олиш зарур деб ҳисоблайсиз?”

Энг аввало, шуни айтишимиз лозимки, ушбу белгилар умуминсоний

“Инсоний сифатлар” ҳар иккала гуруҳда ҳам юқори ўринда туради. Бу ўринда республикамизда маънавият борасида амалга оширилаётган тадбирлар ўзининг ижобий таъсирини ўтказганининг гувоҳи бўламиз. “Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамият, давлатнинг куч-қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қандай бахт-саодат бўлмайди”. Бошқа бир жойда И.А.Каримов ўз фикрини давом эттиради: “Маънавият – тақдирнинг эҳсони эмас. Маънавият инсон қалбида камол топиши учун у қалбан ва виждонан ақл ва кўл билан меҳнат қилиши керак”.

Талаба ёшларнинг ҳаёт моҳияти ва мақсадини маънавият билан боғлаши табиийдир. Чунки “маънавият – бу шундай ижтимоий ҳодисаки, у одамнинг қандай яшаши, тафаккур қилиш усули, ўзлигини англаши, ҳақ-ҳуқуқини ажрата билиши ва турмуши билан узвий боғлиқ. Муболағасиз айтиш мумкин: маънавият шундай қадриятки, у бўлмаса инсоният олами ҳалок бўлади”.

¹ Фитрат А. Оила. – Т.:Маънавият, 1998.- Б.10.

Ҳар иккала курс талабалари ҳам келин (куёв) нинг бой-бадавлат, уйли-жойли (36,5% ва 44,5%), жисмоний соғ-саломат (37,5% ва 46,5%) ва ўзи билан тенг ёки бир оз кичик (катта) бўлишини (31% ва 39,5%) асосий кўрсаткич деб биладилар. Ҳа, бугунги ёшлар олдинги авлодлардек хаёллар дунёсига берилиб эмас, балки реал ҳаёт талабларидан келиб чиқиб фикрлашга, оила қуришга интилоқда. Лайли ва Мажнун даври ўтганга ўхшайди; севги, муҳаббатга кўр-кўрона эргашиш эмас, балки оилавий шароитни, моддий таъминланганликни ҳисобга олиб турмуш қуриш анъанага айланмоқда. Оила қуришда утилитар-прагматик ёндашув кенг авж олса, келгусида оилавий муносабатларда жиддий ўзгаришлар пайдо бўлади.

Оила қуришда “ўз фикримдан, хоҳишимдан келиб чиқаман” деган жавоб 6,5 % дан 28,5 % га кўтарилади. Демак, талабаларнинг билим даражаси ошиши билан ўз кучига ишониш, ҳаётий мақсадига оид муаммоларни ўз иқтидори, ақли, ҳис-туйғуси, юрагининг амри билан ҳал этишга интилиши ҳам ошади.

Жавоблардан маълум бўладики, биринчи курс талаба-йигитларининг келиннинг, энг аввало, 14 % - ижтимоий мавқеи, лавозимини, 24,5% - инсоний-маънавий сифатларини, 21% - касб-корини, 19,5% -ёшини ҳисобга олиш лозим, деб ҳисоблайди.

Тўртинчи курс талаба-йигитларнинг жавобларида ҳам келиннинг ижтимоий мавқеи, лавозими (31%), инсоний-маънавий сифатлари (32%) биринчи ўринда туради. Кейин бой-бадавлат, уйли-жойли бўлиши (19,5%), касб-кори (19%), ёши (17,5%) келади. “Ўз фикрим, хоҳишимдан келиб чиқаман” деган жавоб тўртинчи курс талаба-йигитларида биринчи курсдаги талаба-йигитларнинг жавобидан тўрт ярим марта зиёд кўрсаткич беради. Худди шунингдек, талаба-йигитлар келинларнинг жисмонан соғлом бўлишини (15% ва 16%) ҳам муҳим деб биладилар.

Талаба-қизлар оиланинг мустаҳкам бўлиши учун куёвлар, энг аввало, инсоний-маънавий сифатларга эга бўлиши (28,5% ва 32,5%) зарур деб

кўрсатадилар. Бу жавоб биринчи курс талаба-қизлар жавоблари ичида биринчи ўринда туради. Бироқ 4 курс талаба-қизлари инсоний-маънавий сифатларга иккинчи ўрин (32,5%) ажратишади. Тўғри, умумий йўналишда инсоний-маънавий сифатларнинг аҳамияти ошган, яъни 28,5% дан 32,5 % га кўтарилган. Айнан шунинг учун ҳам инсоний-маънавий сифатларга талаб ҳам, эҳтиёж ҳам йиллар ўтган сайин ошиб бориш анъанасига эга.

Тўртинчи курс талаба-қизлари куёвнинг ижтимоий мавқега, лавозимга эга бўлишини биринчи ўринга қўйишди. Худди шунингдек, улар куёвнинг жисмоний саломатлигига (30,5%), касб-кори (30%) га ҳам алоҳида эътибор беришади. Ундан кейин куёвнинг бой-бадавлат, уйли-жойли бўлиши (25%), ёши (22%), диний эътиқоди (10%), “ўз фикрим, хоҳишимдан келиб чиқаман” (10,5 %) деган жавоблар келади. Хуллас, оилавий ҳаёт қуриш борасидаги талабаларнинг режалари юқори курсга ўтган сайин аниқлашиб, маълум бир йўналишларда муҳим кўринишга эга бўла боради. Уларда, **биринчидан**, оиланинг асосан иқтисодий омилларга ва келин-куёвнинг ижтимоий мавқеига қурилиши аниқланади. **Иккинчидан**, талаба ёшларда инсоний-маънавий сифатларга эътибор бериш ошади. Тўғри, бу сифатларга биринчи курс талабалари ҳам етарли аҳамият беришади, аммо тўртинчи курс талабаларида улар янада юқори кўтарилади. **Учинчидан**, талабаларнинг юқори курсларга ўтган сайин ўз ҳаётини ўзлари қуришга, иложи борича мустақил қарор қабул қилишга интилиши ҳам ошади.

Энди “Талаба ёшларда умуминсоний кадриятларни шакллантириш учун яна нималарга эътиборга бериш лозим?” деган саволга ўтамиз. Бу саволимиз асосан икки мақсадни назарда тутаяди. Биринчиси, ёшлар ўртасида умуминсоний кадриятларнинг қайси бир кўринишларини кўпроқ шакллантириш, иккинчиси, бу борада яна қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлигини аниқлашдан иборатдир.

Талаба ёшлар маънавий кадриятларга энг юқори кўрсаткич беришади. Биринчи курс талабаларида у 68,5 % ни, тўртинчи курс талабаларида 69,5 %

ни ташкил этади. Бу ўринда маънавият тараққиётимизнинг “бош кўрсаткич” қилиб олинганининг таъсири мавжуд¹. Энг муҳими шундаки, талабалар миллий кадриятлар ичида ҳам маънавиятга биринчи ўрин ажратишади. Демак, улар назарида **миллий ва умуминсоний кадриятлар диалектикаси, энг аввало, маънавиятда, маънавий бойликларнинг муштараклигидадир.**

№	Ж А В О Б Л А Р (% ҳисобида)	1-курс талабалари (449 киши)	4-курс талабалари (443 киши)
1	Маънавий кадриятларни кенг тарғиб қилиш	68,5	69,5
2	Инсоннинг жисмоний гўзаллигини шакллан-тириш	12	17,5
3	Демократик тамойилларни қарор топтириш	13,5	28,5
4	Адолат туйғусини тарбиялаш	41,5	31,5
5	Ишбилармонликни ривожлантириш	40,5	43,5
6	Хурфикрликни ривожлантириш	40,5	44,5
7	Халқаро ҳуқуқ нормала-рини қарор топтириш	21	44,5
8	Жаҳон цивилизацияси эришган ютуқларни ўрганиш	13	24,5
9	Илмий-техникавий бойликларни ўзлаштириш	7,5	9
10	Европа маданияти ва санъатини ўрганиш	28,5	28
11	Ғарб ижтимоий-сиёсий таълимотларини ўрганиш	21,5	29,5
12	Халқаро алоқаларни, бордикелдини қўллаб-қувватлаш	20,5	18
13	Интернационализм ғояларини кенг тарғиб қилиш	10,5	12
14	Инсон ҳуқуқлари ва эркини мустаҳкамлаш	10,5	26,5
15	Уруш, босқинчилик, терроризмга қарши кураш	17,5	19

¹ Қаранг: Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар.- Т.:Шарқ, 1998; Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. –Т.:Маънавият, 1999; Шарофиддинов О. Маънавий камолот йўлида.- Т.: Маънавият, 2001 ва б.

Ёшларда адолатга интилиш ва уни ҳимоя қилиш истаги кучли бўлади. Биринчи курс талабалари умуминсоний қадриятларнинг энг асосий кўринишлари деб адолатни тушунадилар ва шунинг учун ҳам «адолат туйғусини тарбиялаш»га иккинчи ўринни ажратадилар. Бироқ тўртинчи курсга келиб талабаларнинг фикри ўзгаради, яъни 41,5 % бирданига 31,5 % га тушиб қолади. Бизнинг назаримизда, юқори курсга ўтган талабалар онгига, ён-атрофдаги ноҳақликлар, матбуотларда эълон қилинаётган турли кинғирлик ва зўравонликлар ҳақидаги мақолалар таъсир қилганга ўхшайди. Лекин уларда ҳам адолат туйғуси ҳали юқоридир.

Навбатдаги ўринни талабалар ишбилармонлик (40,5 % ва 43,5%) ва ҳурфикрлиликка (40,5 % ва 44,5 %) ажратишади. Тўртинчи курс талабалари эса халқаро ҳуқуқ нормаларини қарор топтириш ҳам лозим (44,5 %) деб кўрсатишади.

Жаҳон аҳли, ривожланган мамлакатлар ишбилармонликни тараққиётга хизмат қилувчи шахс эрки, ҳуқуқига оид қадрият деб қарайди¹. Ўзбекистонда ҳам ушбу қадрият инсон эркининг, фаоллигининг белгиси сифатида қаралади. Айнан шунинг учун ҳам респондентлар деярли «бир овоздан» ишбилармонликни қўллаб-қувватлайдилар. Худди шунингдек, улар ёшларда умуминсоний тараққиёт белгилари ҳисобланган ҳурфикрлилик ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг қарор топишининг тарафдорларидир. Ушбу хислатлар ёшлар маънавиятига айланса, умуминсоний тараққиёт йўлига чиқиб олиш осонлашади.

Бугун ёшларда Европа, Ғарб маданияти, санъати, турмуш тарзи, ижтимоий-сиёсий таълимотига қизиқиш катта. Жавоблардан маълум бўладики, респондентларнинг 28,5% ва 28 % Ғарб маданияти ва санъатини, 21,5% ва 29,5% Ғарб ижтимоий-сиёсий таълимотларини ўрганишни, 20,5% ва

¹ Қаранг: Низом, Фахриддин. Янгилаиш анъанаси. – Т.:Маънавият, 1998. –Б.13-59; Абдуллаев А. Маънавият ва иқтисодий тафаккур. – Т.:Маънавият, 1999.- Б.16-17.

18% халқаро алоқаларни, борди-келдини йўлга қўйиш зарур деб ҳисоблайди. Улар назарида ёшлар Ғарб турмуш тарзидан яхши хабардор бўлишлари, чет эллик тенгқурлари ва фуқаролар билан борди-келди муносабатларини ўрнатиши муҳимдир. Бу жавоблар Ўзбекистон Республикасининг жаҳон аҳли билан ўрнатаётган турли интеграцион алоқаларига ҳамоҳангдир.

Респондентларнинг демократия ҳақидаги фикрлари эътиборга лойиқ. Биринчи курс талабалари (13,5%) ёшларда демократик тамойилларни қарор топтириш керак деган фикрни билдирса, бу кўрсаткич тўртинчи курсдаги талабаларда 28,5 % га кўтарилади. Буни ижобий ҳол деб қараш зарур. Талабаларнинг ижтимоий онги ва ҳаёт тажрибаси ошган сайин уларда демократияни ҳаётий мақсад сифатида қараш шакллана боради. Демократияни ҳимоя қилмасдан, уни англамасдан туриб умуминсоний қадриятларни эгаллаш, маънавияти бой инсон бўлиб етишиши қийинлигини ёшлар яхши биладилар.

Бугун жаҳон аҳлини кенгайиб бораётган халқаро терроризм безовта қилмоқда. Ушбу офатдан халос бўлмай умуминсоний ҳаётни ва тараққиётни таъминлаш қийин эканини талабалар яхши англайдилар. Шунинг учун ҳам улар (17,4% ва 19%) уруш, босқинчилик ва терроризмга қарши кураш олиб бориш орқалигина цивилизацияни, инсониятни, умуминсоний бойликларни сақлаб қолиш мумкин деган фикрни билдирадилар.

Иккинчи бобга оид хулоса

Ҳаётий мақсадни ўрганиш бир-бирига диалектик боғлиқ икки: миллий ва умуминсоний қадриятларни қанчалик ёшлар ҳаётидан ўрин олаётгани ва бу борада яна нималар қилиш зарурлигини белгилаб олишга ёрдам беради. Чунки ҳаётий мақсад кишининг ҳозирда ва келажакда мўлжаллаб қўйган режаларида, уларни рўёбга чиқариш учун лозим бўлган стимулларда аниқ намоён бўлади. Тўғри, киши ушбу ҳаётий мақсадларга ўзгартиришлар киритиб, ҳаётий мақсадни ижтимоий-маданий муҳит, давр талаблари билан мудом уйғунлаштириб боради. Ҳаётий мақсад соф ҳолича киши тақдирини, хатти-ҳаракатларини белгилаб беравермайди, улар ўртасида ранг-баранг, гоҳо бир-бирини инкор, рад этувчи зиддиятлар туғилади. Аммо ҳаётий мақсад орқалигина киши ўзини «ҳаёт субъекти» эканлигини аниқ идрок этади ва давр юклаган вазифаларни онгли, рационал, позитив ҳал этишга, бунинг учун ўзидаги ижодий кучларни жамлашга, сарфлашга интилади.

Ёшларда ҳаётий мақсад йўналтирувчилик ролини ўйнайди. Талаба ёшларда эса, энг аввало, билим олишга, ўқишни битказишга йўналтирилган бўлади. Бу умумий мақсад ўзидан-ўзи аёндир. Бироқ бизни ҳаётий мақсаддаги миллий ва умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ жиҳатлар кизиқтиради. Савол-жавоб варағи (социологик сўровнома)да ана шу вазифаларни тўлароқ ёритишга ёрдам берувчи саволлар ўз аксини топди.

Савол-жавоб натижаларидан маълум бўладикки, талаба ёшлар ҳаётида миллий қадриятлар муҳим рол ўйнайди. Улар ўзини ота-онаси, яшаган ва ўсган оила муҳитисиз тасаввур қила олмайдилар. Ота-она хоҳиш ва истакларига қараб яшаш, ҳаётий мақсадини белгилаб олиш улар онгидан мустаҳкам жой олган. Айниқса, бу ҳол биринчи курс талабаларида яққол кўзга ташланади. Бу табиий ҳолдир. Эндигина мактабни тугатган, ҳали бирор кун ҳам мустақил, оилавий муҳитдан бошқа муҳитда яшамаган талаба ёш учун оила, ота-она энг асосий ҳаётий мақсадни белгилаб берувчи таянчдир.

Х У Л О С А

Келажакни кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг маънавий оламини шакллантирмасдан, уларни ижтимоий жараёнларнинг ижодкори, субъектига айлантирмасдан тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки «Тараққиёт тақдирини, - юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, - маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади»¹.

Собиқ шўролар салтанати даврида «миллий маданиятимиз, маънавиятимиз на Шарқ, на Ғарб андозаларига тўлиқ мос келар эди, у кўп жиҳатдан оралиқда қолган эди. Бинобарин, уни маргинал маданият, маргинал маънавият дейиш мумкин эди»².

Мустақиллик туфайли халқимиз ўз маънавиятини тиклашга, бой маданий-маънавий мероси билан тўла танишишга, ўз тарихий анъаналарига, жаҳон цивилизациясига кўшган улкан бойликларига муносиб ҳаёт тарзини, ҳар томонлама фаол ва баркамол авлодни шакллантириш имкониятига эга бўлди. Эндиги вазифа нафақат ислоҳотларни унумли амалга ошириш, шу билан бирга, инсоният асрлар давомида орзу қилиб келган маънавий етук инсонни яратишдан иборатдир. «Кишилар онгини эски тузум асоратларидан халос этиш, улар қалбига янгича тафаккур, янги мафкура ғояларини сингдириш бир-икки йиллик иш бўлмай, балки узоқ давом этадиган жараён эканига бугун ишонч ҳосил қилмоқдамиз. Аммо мафкура - маърифат соҳасидаги вазифамиз фақат одамларимизнинг захарланган онгини эски мустабид тузум асоратларидан халос қилишдангина иборат эмас_ ҳозирги энг муҳим, энг долзарб вазифамиз – жамиятимиз аъзоларини, авваломбор, вояга етиб келаётган ёш авлодни камол топтириш, уларнинг қалбида миллий ғоя, миллий мафкура, ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш,

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3./ Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Т.: Ўзбекистон, 1996.– Б.34.

² Эркаев А. Маънавият – миллат нишони. – Т.: Маънавият, 1999. -Б.5.

ўзлигини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашдан иборатдир»¹.

Талаба ёшлар алоҳида ижтимоий қатлам ҳисобланади. Уларнинг ёши 16-27 лардадир. Социал структурасига кўра, улар республикамизда истиқомат қилувчи барча қатламларнинг фарзандлари ҳисобланади. Хусусиятига кўра эса, улар у ёки бу касб-корни (билим юрти ёки коллеж талабалари), билим соҳасини (олий ўқув юртлари талабалари) эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ёшлар қатламидир. Биз олий ўқув юртлари талабаларининг маънавиятини, унинг шаклланишига миллий ва умуминсоний қадриятларнинг таъсирини тадқиқ этишга интилдик. Ўтказган изланишларимиз қуйидагича хулосалар чиқариш имконини беради.

Биринчидан, ўзбек халқи жаҳон маданияти ва цивилизациясига ўлкан ҳисса қўшган тарихий-маданий мероси ва миллий қадриятларига эгадир. Буюк «Авесто» нафақат Марказий Осиё ва Озарбайжон ерларида, шу билан бирга, Ғарбий Европада ҳам тарқалган ва унда пайдо бўлган кўпгина ижтимоий-фалсафий, сиёсий таълимотларга таъсир қилган. Ўлкамиз халқларининг бир томондан Шарқ, иккинчи томондан Ғарб халқлари билан узоқ асрлар давомида олиб борган иқтисодий ва ижтимоий-маданий алоқалари уларда миллий ва умуминсоний қадриятларни шакллантириб, уйғунлаштириб келди.

Иккинчидан, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг назарий-фалсафий таҳлили кўрсатадики, улар ўртасидаги диалектик боқлиғлик маълум бир ижтимоий-тарихий муҳит, маданий негизлар ва субъектив омиллар асосида юзага келади. Шунинг учун миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикасини ижтимоий-тарихий муҳитдан юлиб олиб қараш мумкин бўлмаганидек, уларни маданий негизлар ва субъектив омиллар таъсиридан ҳам айрича қараш мумкин эмас.

¹ Каримов И.А. Хушёрликка даъват. // Халқ сўзи, 1999, 25 июнь.

Худди шунингдек, миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси этник хусусиятларни, ҳудудий белгиларни, ижтимоий-сиёсий муносабатларнинг таъсирини ҳам ҳисобга олишни тақозо этади. Бу қоида ёшлар маънавиятини шакллантириш муаммоларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларга ҳам тааллуқлидир.

Учинчидан, шахс маънавияти масалалари ҳар доим Ўрта Осиё мутафаккирларининг диққат марказида турган. Улар инсонийлик, юксак ахлоқ, илм-маърифат, эзгулик, иймон, садоқат, меҳр-мурувват, поклик, адолат, тўғрилиқ ҳақида шундай ғоялар ва фикрларни илгари сурдиларки, кейинги асрлардаги ижтимоий фикрлар ҳамон уларга таяниб, улардан куч-қувват олиб келади.

Ёшлар маънавиятини шакллантиришда ушбу маданий меросга таяниш муҳим аҳамиятга эгадир.

Тўртинчидан, Ўзбекистон инсонни қадрлаш, унинг маънавий дунёсини бойитиш, демократик ислохотлар марказига инсон шахсини, унинг манфаатларини қўйган. Жамиятнинг маънавий янгиланиши инсон шахсининг маънавий камолоти туфайли содир бўлади. Шунинг учун миллий қадриятларнинг шахс маънавий камолотига ва жамиятнинг маънавий янгиланишига таъсири махсус тадқиқ этилди. Бу жараёнлар:

- маънавий янгиланишнинг бош мезони қилиб инсоннинг ҳар томонлама камолотини;
- шахснинг ижтимоий ўзгаришлар субъектига айлантиришни;
- маънавий янгиланишни халқимиз тарихий-маданий мероси ва анъаналарига асосланишини;
- жамиятнинг барча соҳаларини маънавий бойликлар яратишга йўналтиришни;
- халқаро алоқаларда умуминсоний маънавий бойликларни ўзлаштиришни;

- миллатлараро ва халқлараро муносабатларда аҳиллик, тинчлик, ҳамкорлик, биродарлик, ҳамжиҳатликни таъминлашни;
- ёшларнинг илм-фанни эгаллашга интилишини таъминлашни;
- юксак маданиятли, маърифатли ёшларни вояга етказиш учун зарур ташкилий-амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқишни;
- ижтимоий-маънавий тарбия жараёнида узлуксизликни таъминлаш, барча маданий-тарбиявий жараёнларни миллий истиқлол ғояси асосига қуришни тақозо этади.

Маънавий янгилашиш негизида шахс, ҳар бир ёш йигит ва қиз қалбида эркин яшаш, дунёдаги илм, маърифат, тараққиёт дарғалари билан баҳслаша олиш иштиёқини уйғотиш, бунинг учун эса тинмай ўқиш, ўрганиш ва изланиш кўникмасини шакллантириш ётади.

Маънавий покланиш барча халқлар, этник гуруҳлар билан биргаликда яшаш, улардан ўрганиш ва ўрни келганида уларга ўргатиб умуминсоний тараққиётга ўзига хос улуш, ҳисса қўшиб яшаш фикрини уйғотиш ҳамдир.

Бешинчидан, бугун Республикамиз жаҳон қамжамияти ўртасида ўзига хос ўрин эгаллашга, ўзининг маънавий-маданий интеллектуал салоҳиятини намоён этишга интилмоқда. Бу улуғвор вазифа, энг аввало, умуминсоний қадриятларга содиқликни, уларни ички ҳаётга, кишиларнинг ижтимоий, сиёсий ва маънавий фаолиятига сингдиришни талаб этади. Демократия ҳам замонавий умуминсоний қадрият ҳисобланади.

Ёшларда умуминсоний қадриятлар ҳақида аниқ тасаввурлар ҳосил қилиш, жаҳон эътироф этаётган нормалар, тартиблар нималардан иборат эканлигини кўрсатиш уларда маънавий бойликларни эгаллашга қизиқиш уйғотиши мумкин.

Олтинчидан, ёшларда, айниқса, маълум бир ижтимоий, сиёсий, маданий дунёқарашга, тажрибага эга бўлган талаба ёшларда миллий-маданий меросга, умуминсоний бойликларни ўзлаштиришга қизиқиш бошқа

ёшлардан кўра юқорирокдир. Ёшларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш:

- жаҳонда қарор топаётган умуминсоний нормалар ва тартиблар;
- давлатлараро алоқалар ва улар ўртасидаги зиддиятли ҳоллар;
- иқтисодий интеграция имкониятлари;
- регионал сиёсатнинг хусусиятлари;
- этник бирликлар ва этносиёсат, улар ичидаги низоларни, тўқнашувларни ҳал этиш йўллари;
- халқаро муносабатлардаги позитив ва деструктив ҳоллар;
- илмий-техник интеграция, халқаро информацион технологияларнинг тарқалиши билан боғлиқ жараёнлар;
- маданий алоқалар ва бу борадаги ҳамкорликни йўлга қўйиш сирларидан хабардорликни талаб қилади.

Еттинчидан, ёшлар «ҳаёт субъекти» (С.Л.Рубинштейн) бўлмагунча уларнинг маънавиятида, онги, дунёқараши ва турмуш тарзида бирор ўзгариш кутиш қийин. Ҳаёт субъекти бўлиш эса ҳаётий мақсад билан боғлиқ бўлиб, у дастлаб ҳаётий мақсадда тўла намоён бўлади. Талаба ёшларнинг ҳаётий мақсадини ўрганиш улар маънавиятини қайси йўллар ва йўналишларда шакллантириш зарурлигини аниқлаш имконини беради.

Ҳаётий мақсад шахсни, талаба ёшни:

- ўз ҳаётий режаларини аниқлаб олишга ва шу асосда яшашга;
- ижтимоий-тарихий жараёнлар, ислохотлар субъекти бўлишга;
- янги муносабатларни, қадриятларни яратишга;
- ўзини ўзи тарбиялашга, яратишга, ўзидаги яширин кучларни рўёбга чиқаришга;
- бошқаларни ҳам фаол яшашга;
- ҳаётни маъноли, ижтимоий фойдали ва мақсадли қилишга етаклайди.

Ҳаётий мақсаднинг миллий ва умуминсоний қадриятлар орқали аниқланиши, ушбу қадриятларнинг талаба ёшлар маънавиятига таъсири ва

хаётий мақсадда акс этиш хусусиятлари махсус сўровнома (анкета)лар орқали амалга оширилди. Жавоблар кўрсатадики, бугун талаба ёшлар жамият маънавий қаётида содир бўлаётган позитив ўзгаришларни чуқур ҳис этадилар. Улар қалбида миллий кадриятларга ҳурмат билан қараш чуқур жой олган. Худди шунингдек, уларда умуминсоний кадриятларни ўзлаштиришга бўлган қизиқиш ҳам юқоридир. Бироқ миллий ва умуминсоний кадриятлар диалектикаси талаба ёшлар маънавиятида турли йўналишларда, кўламларда намоён бўлади. Масалан, бугун ўзбек йигит ва қизларида (бизнинг мисолимизда талаба ёшларда) ота-оналарининг хоҳиши, истаги ва кўрсатмаларига мувофиқ хаётий мақсадни белгилаб олиш анъанаси чуқур илдиз отган. Тўғри, аста-секин юқори курсга ўтган сайин талаба ёшларда мустақил яшашга интилиш кучаяди. Аммо бу асосан маълум бир илмга, ижтимоий-сиёсий ва маданий тажрибага эга талаба ёшларда кўзга ташланади. Бошқа ёшларда ота-она муҳитида яшашга интилиш, уларнинг хоҳиши билан уйланиш (турмушга чиқиш), уй-жойли бўлиш, ишга жойлашиш анъанаси устунлик қилади. Демак, ёшлар маънавиятининг шаклланишига умуминсоний негизларга эга бўлган илм, фан, маданият, жаҳон аҳли тан олган нормалар, тартиблар муҳим таъсир этади. Гоҳо улар анъанавий кадриятлардан ўзиб ёшларда ноанъанавий тартиблар билан яшашга иштиёқ уйғотади.

Биз анъанавий турмуш тарзида позитив жиҳатлар борлигини инкор эта олмаймиз. Ота-она истакларига мувофиқ уйланиш (турмушга чиқиш), уй-жойли, мавқели бўлиш халқимизда ҳеч қачон қолоқ ёки ёмон одат саналмаган. Ушбу анъанага мувофиқ ёшлар ўзида қийин хаётий муаммони биргаликда, катта хаётий тажрибага эга кишилар билан бамаслаҳат ҳал қилиш кўникмасини шакллантирадилар.

Талаба ёшлар адолат, ҳурфикрлик, инсон шаъни ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида ҳам умуминсоний анъаналарни, кадриятларни, нормаларни қўллаб-қувватлайдилар. Улар назарида ушбу умуминсоний нормаларни

ёшлар қалбида, турмуш тарзи ва онгида тезроқ шакллантириш зарур. Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами ва натижалари ҳам ана шу кадриятларнинг шаклланишига, ёшлар қалбида кадриятларга айланишига бевосита боғлиқдир. Демак, талаба ёшларда жаҳон аҳли тан олган нормаларни қабул қилиш, уларга амал қилиб яшаш истаги юқори.

Саккизинчидан, талаба ёшлар умуминсоний кадриятларга айланган ишбилармонликка, тинчликни, тараққиётни асраш учун курашга ҳам бефарқ қарамайдилар. Улар ишбилармонликни моддий-иқтисодий фаровонликнинг асоси деб биладилар.

Талаба ёшларимизда Ғарб маданияти, цивилизация, ижтимоий-сиёсий фикрлари билан чуқурроқ танишишга, улардаги янги ғоялар, ютуқлар ва бетакрор ёндашувларни ўрганишга хоҳиш кучли. Айнан ушбу истак уларни чет тилларни ўрганишга, интернетдан фойдаланиб, ўз тенгқурлари билан алоқалар ўрнатишга ундамоқда. Бунга университетимизда чет мамлакатларда ўқиб, тажриба орттириб келган ўқитувчи-профессорлар дарс бераётгани ҳам таъсир қилган, албатта. Демак, талаба ёшлар маънавияти кенг ижтимоий, иқтисодий ва ижодий алоқалар ўрнатишга, жаҳон, айниқса, Европа халқлари эришган ютуқлардан баҳраманд бўлишга йўналтирилган. Ушбу ҳаётий мақсадларнинг амалга ошиши, бу табиий, фақат уларнинг ўзига боғлиқ эмас. Она-оналар, давлат, жамият, қолаверса, бугун янгиланаётган дунё ёшларидаги ижодий интилишларни қўллаб-қувватлаши, бу борада мавжуд тўсиқларни олиб ташлаши, ёшлар ўртасидаги интернационализм, ҳамкорлик, дўстлик, тараққиёт ғояларини қарор топтириши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Китоб ва монографиялар:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. / Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.:Ўзбекистон, 1998.- Б. 324-346.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.- 171.б.
3. Абилов Ў. Миллий ғоя: маънавий омиллар.- Т.:Маънавият, 1999.- 62 б.
4. Аликулов Х., Хайруллаев М. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида.- Т.: Фан, 1979. – 48 б.
5. Аналитический доклад по результатам социологического исследования по теме: «Молодёжь Узбекистана: социальная активность, нравственность и планы на будущее». // Центр изучения общественного мнения «Ижтимоий фикр» Т.: УзЦИОМ, 2002. – 124 с.
6. Атамурадов С. Национальная культура и национальное самосознание в процессе обновления общества. – Т.:Узбекистан, 1992. – 195 с.
7. Баркамол авлод тарбияси. – Т.:Академия, 2005. – 26 б.
8. Воҳидов Р., Маҳмудов М. Маънавият – комиллик саодати.- Т.: Маънавият, 1997.- 182 б.
9. Жўраев Н. Агар огоҳ сен. – Т.:Шарқ, 1998. – 256 б.
10. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. – Т.:Шарқ, 1998. – 242 б.
11. Ислом, тарих ва маънавият.- Т.:Мерос, 2000. – 112 б.
12. Карабаев У.Х. Этнокультура. Учебн. пособие. – Т.:Шарқ, 2005. – 240 с.
13. Комилов Н. Тафаккур карвонлари.- Т.:Маънавият, 1999. – 280 б.
14. Маҳмудов Т. Мустақиллик ва маънавият.- Т.:Шарқ, 2001.- 159 б.

15. Маънавият юлдузлари (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар).- Т.:Мерос, 1999. – 400 б.
16. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000. – 42 б.
17. Миллатлараро тотувлик – барқарорлик ва тараққиёт омили. – Т.:Академия, 2005. – 30 б.
18. Миллий истиқлол ғояси: назарий манбалар, асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.:Академия, 2006. – 292 б.
19. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. –Т.: 2009 -63б. Т.
20. Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп луғат. –Т.:Шарқ, 1998.- 320 б.
21. Назаров Қ. Ижтимоий тараққиёт. Инсон ва қадриятлар. – Т.:Фан, 1991. – 135 б.
22. Назаров Қ. Аксиология қадриятлар фалсафаси. – Т.:Маънавият, 1998.- 121 б.
23. Назаров Қ. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. –Т.:Янги аср авлоди, 2001.- 32 б.
24. Ортиқов Н. Маънавият: Миллий ва умуминсоний қадриятлар.- Т.:Маънавият, 1999. – 48 б.
25. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. (Қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари)- Т.:Ўзбекистон, 1997. – 416 б.
26. Темур тузуклари.- Т.:Адабиёт ва санъат, 1996. – 343 б.
27. Туленов Ж.Т. Қадриятлар фалсафаси. – Т.:Ўзбекистон, 1998.- 386 б.
28. Темирова Н.Э Комил инсон-миллий истиқлол ғоясининг мақсади. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллари. Ўрта махсус касб —ҳунар таълим муассасалари учун қўлланма. -Т.: 2001. -160-164 б.
29. Темирова Н.Э Қадриятлар ва ёшлар камолоти. -Т.:Фалсафа ва ҳуқуқ инс, 2008. -51б.

30. Тиллаева Г.Х. Ижтимоий муҳит ва ёшлар тарбияси. –Т.: 2009 – 166.б.
31. Форобий Абу Наср. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида.- Т.:Ёзувчи, 2002. – 64 б.
32. Холматова М., Муравьёва Н. Ёшлар оилавий ҳаёт бўсағасида. – Т.:Ўзбекистон, 2000. – 184 б.
33. Хўжамуродов И.Р. Маънавий қадриятлар ва миллий ўз-ўзини англаш. – Т.:Фан, 1991. – 160 б.
34. Чориев А. Инсон фалсафаси. Инсон тўғрисидаги фалсафий фикрлар тараққиёти. Биринчи китоб. – Т.:Chinor ENK, 1998. –221 б.
35. Шайхова Х., Назаров Қ. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. – Т.:Ўзбекистон, 1994. – 11 б.
36. Шермухамедов С. Биз қандай жамият қурмоқдамиз? – Т.:Ўзбекистон, 1999. – 65 б.
37. Юсупов Э. Қадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни. – Т.:Фан, 1995. – 130. б.
38. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда.- Т.:Ўзбекистон, 2000. – 352 б.
39. Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт. – Т.:Ўзбекистон, 1997.- 206 б.
40. Қорабоев У. Азалий ва абадий қадриятлар. – Т.: 1995. – 19 б.
41. Қурононов М. Ўзбек характери ва миллий ғоя. – Т.:Маънавият, 2005. – 96 б.

II. Илмий тўпламдаги мақолалар:

1. Темирова Н.Э. Миллий ғоя — халқни, миллатни бирлаштирувчи омил. //Мустақил Ўзбекистон: фалсафа фанларининг долзарб муаммолари (маърузаларнинг қисқача матнлари). Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. — Т.: 1999.-101-103 б.
2. Темирова Н.Э. Миллий истиқлол ғояси ва миллий мафкура бугунги куннинг долзарб мавзуси. //Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси: фалсафий ва ҳуқуқий жиҳатлар (маърузаларнинг қисқача матнлари. 1 жилд).

Ўзбекистон Рессубликаси Фанлар Академияси И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти. —Т.: 2001. -56 -57 б.

3. Темирова Н. Маънавий янгиланишда миллий ва умуминсоний кадриятларнинг ўрни. //«Ёшлар онги, қалби ва дунёқарашини шакллантириш ҳозирги куннинг долзарб масаласи» мавзусидаги Республика илмий- услубий анжумани тўплами. 1-қисм. -Гулистон, 2006. - 96-97 б.

4. Темирова Н. Преподаватель русского языка как пропагандист идеи национальной независимости. // Проблемы обучения русскому языку и литературе в системе непрерывного образования на основе новых педагогических и информационных технологий. Материалы Республиканской научно-практической конференции. - Гулистан, 2006. - С.60-62 (Ҳаммуаллифликда).

5. Темирова Н. Қадриятлар тизимида соғлом турмуш тарзи масаласи. //Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг илмий-услубий асослари. Республика илмий-амалий ва услубий конференция материаллари.-Т.: 2007.- 152-153б.

6. Темирова.Н.Э.Талаба ёшлар маънавияти ва соғлом турмуш тарзи масалалари.// Ёшларнинг акмеологик қарашларини шакллантиришда соғлом турмуш тарзининг ўрни. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари.Фалсафа ва ҳуқуқ институти.–Т.: 2008.-40-41б. (Ҳаммуаллифликда).

7. Темирова Н.Э. Умуминсоний кадриятларнинг ёшлар маънавий ривожига таъсири хусусида. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ахлоқий кадриятларнинг ўрни. Илмий амалий конференция материаллари.-Т.: 2009 -33-35б.

8. Темирова Н.Э. Маънавий баркамол ёшларни тарбиялаш – бош вазифа. Ўзбекистон тарихини ўқитишнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-назарий анжумани материяллари тўплами. –Гулистон.: 2010. -161б. (Ҳаммуаллифликда).

9. Темирова Н.Э. Талаба-қизлар ҳаётини мақсадини белгилашда миллий кадриятларнинг аҳамияти. Фан – техника тараққиётида хотин – қизларнинг тутган ўрни. Республика илмий-амалий анжумани. -Т.:2010. -120-121б.

10. Темирова Н.Э. Фуқаролик жамияти институтларининг талаба ёшлар ҳаётида мақсадини шакллантиришдаги роли. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси-баркамол авлодни шакллантириш асоси. Республика илмий – амалий конференция.-Т.: 2011 – 390-393б.

III Журналдаги мақолалар:

42. Аъзамхўжаев А. Мустақиллик ва анъаналар. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, Тошкент, 1994, 3-4-сон. – Б. 29-34.
43. Аҳмедова Ҳ. Демократик жамиятда мафкура ва ёшлар муаммоси. // Ижтимоий фикр, Инсон ҳуқуқлари, Тошкент, 2000, 1-2-сон.- Б. 150-154.
44. Жабборов Ш., Ғофуров Б. Айб фақат ёшлардами? // Халқ сўзи. 2006 йил, 25-январь. – Б. 2.
45. Комилова Т. Маънавиятни ривожлантириш – давлат сиёсатининг устувор йўналиши. // Ҳуқуқ.-Право. –Law, – Тошкент, 1999, 4-сон. – Б. 85-90.
46. Мўминжонов Қ. Умрбоқий ахлоқий қадриятлар. // Мулоқот, Тошкент, 2002, 4-сон. – Б. 10.
47. Назаров Қ. Тараққиётнинг умуммафкуравий тамойиллари. // Тафаккур, Тошкент, 1999, 3-сон. – Б. 10-15.
48. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. // Мулоқот, Тошкент, 1999, 5-сон. – Б. 30.
49. Орипов М. Қадрият тушунчаси ҳақида. // Гулистон, Тошкент, 1999, 5-сон. – Б. 10-11.
50. Саидов А. Инсон ҳуқуқлари ва маънавият. // Ҳаёт ва қонун, Тошкент, 1997, 7-сон. – Б. 11-14.
51. Туленова Г. Маънавиятли ёшлар – мамлакат келажаги. // Жамият ва бошқарув. Тошкент, 2005. 2-сон. – Б. 31-33.
53. Темирова Н. Талаба ёшларда ҳаётий мақсадни шакллантириш муаммолари. // ГулДУ ахборотномаси, 2004, 2-сон. -61-67 б.
54. Темирова Н. Фалсафанинг таълим — тарбия салоҳияти. //Таълим тизимида ижтимоий -гуманитар фанлар, Т.:ТДТУ, 2003, 3-4сонлар. - 75-78 б.

55. Темирова Н. Фалсафанинг долзарб муаммолари. //Фалсафа ва ҳуқуқ, Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2004, 1 -сон. - 67-69 б.
56. Темирова Н. Ёшлар — келажак пойдевори. //Жамият ва бошқарув, Т.: 2004, 2-сон. - 76-77 б.
57. Шайхова М. Маънавий баркамол ёшлар – жамият бойлиги. // Мулоқот, Тошкент, 1999, 2-сон.- Б. 11-12.
58. Қорабоев У. Маданият илдизлари. // Тафаккур, Тошкент, 2002, 1-сон. – Б. 98.

IV. Авторефератлар:

58. Абдуллаев Т.У. Турмуш соҳасида миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси. Фалс.фан.доктори_ёз.автореф.- Т.: 1992. – 23.б.
59. Атамурадов С. Жамиятни янгилаш жараёнида миллий маданият ва миллий ўзликни англаш. Фалс.фан.доктори_ёз.автореф.- Т.: 1992. – 24 б.
60. Исмоилов.С.Т. Нақшбандия тариқатининг тасаввуф тараққиётидаги ўрни. Фалсафа фанлари д-ри _дис.автореф.- Т.: 2006.- Б.26.
61. Кенжаева Д. Маданиятнинг тарбиявий функцияси ва унинг ижтимоий-фалсафий таҳлили. Фалсафа фанлари номзоди _ дис.автореф. – Т.: 1999. – 21 б.
62. Назаров Қ.Н. Қадриятлар тизими: барқарорлик ва ўзгаришлар диалектикаси. Фалс.фан.доктори_ёз.автореф.- Т.: 1997. –40.б.
63. Солиева Д. Миллий қадриятлар ва урф-одатлар. Фалсафа фанлари д-ри _дис.автореф.- Т.: 1996.- 41 с.
64. Сайдалиева Н.З. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий – фалсафий муаммолари. Фалсафа фанлари д-ри _дис.автореф.- Т.: 2005.- Б.26.

65. Туйчиева Т. Ўзбек маънавий қадриятлар тизимида урф-одат, анъаналарнинг ўрни. Фалсафа фанлари номзоди_ёз.автореф. –Т.: 2002. – Б. 24.
66. Темирова Н.Э. Талаба ёшларнинг маънавий шаклланишида миллий ва умуминсоний қадриятлар диалектикаси. Фалсафа фанлари номзоди_ёз.автореф. –Т.: 2006. – Б. 26.
67. Хабибуллаева Д.А. Ўзбекистонда умуминсоний ва миллий қадриятларнинг тикланиши (1985-1994 йй) Дисс. канд.ист.наук.- Т.:1995.- С. 152.
68. Холматова М. Оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш ва соғлом авлодни тарбиялаш муаммолари. Фалс.фан.доктори ёз.автореф.- Т., 1998. – Б. 40.
69. Эрназаров Р.У. Диалектика национальных и общечеловеческих ценностей. Автореф.дис. канд.филос.наук. - Т., 1994. – С. 19.

V. Интернетдан олинган адабиётлар:

70. Зоркая Н. “Книжное чтение в постперестройку: попытка диагноза”.
<http://www.russ.ru/journal>.
71. <http://www.uzstudent.uz/load/0-0-0-253-20>
72. http://el.tfi.uz/pdf/buhmquq_uzk.pdf
73. http://el.tfi.uz/pdf/migtt1mag_uzk.pdf
74. <http://62.209.142.238/Litsey/.../ma'naviyat.htm>

VI. Хорижий адабиётлар:

75. Антонов А.И., Медков В.М. Социология семьи. – М.,1996. – С. 364.
76. Бартольд В.В. Изучение Востока в Европе и России.- Ленинград, 1925. – С. 68.

77. Витаньи И. Общество. Культура. Социология. Пер. с венг. – М.Прогресс, 1990. – С. 204.
78. Гуревич П.С. Философская антропология. – М.:Изд-во «Вестник», 1997. – С. 384.
79. Зорченко Е.А. Воспитание правовой культуры молодежи.- Минск, 1986.- С. 79.
80. Лисовский В.Т. Что значит быть современным. – М.:Политиздат, 1980. – С. 180.
81. Молодежная политика: проблемы и перспективы. Материалы международной научно-практической конференции. / Под ред. Проф. Акселя Зелля и проф. Е.Сапелкина. Мн.:УП «Технопринт», 2001.–С. 288.
82. Кравченко А.И. Социология.- М.: «Логос» Екатеринбург, Деловая книга, 1999. – С. 302.
83. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М.:Педагогика, 1996. –С. 306.
84. Сапелкин Е.П. Социальный статус молодежи. –Минск: УП «Технопринт», 2002. – С. 112.
85. Тойнби А. Дж. Цивилизация перед судом истории. Сборник.- М.:Рольф, 2002. – С. 642.
86. Философия культуры. Становление и развитие. – Санкт-Петербург, 1998. – С. 434.
87. Ценность. // Новейший философский словарь.- Мн.: Изд. В.М.Скакун, 1998.- С. 798.
88. Ausubel D.P. Das Jugendalter.- Minchen, 1968.
89. Spranger E. Psychologie des Jugendalters. –Leipzig, 1926.